2 **СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР**

ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан республикамизнинг бир қатор вилоятларида «Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси: таклиф ва мулоҳазалар» мавзуида давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

3 **УЧИНЧИ СЕКТОР**

Мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсиши уларнинг фаолияти учун қулай ташкилий шароитлар яратилганининг ижобий натижаси сифатида баҳоланди.

5 **ЖАРАЁН**

Демократия маданияти аждодларимизнинг қадимий тош битикларида, ёзма манбаларида ниҳоятда теран ва пурҳикмат ҳолда ифода этиб берилган.

13 **ОГОҲЛИК**

Кундек равшанки, диний экстремистик ташкилотлар бизнинг юртимизда аввал сира ҳам бўлган эмас. Эндиликда улар ҳаётимизга ташқаридан туриб тиқиштирилмоқда.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Нашр индекси - 131

# ЖАМИЯТ

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

Газетанинг чакана савдода белгиланган нархи — 190 сўм

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2006 йил 10 ноябрь № 8 (8)

# ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК ТИМСОЛИ

*Мамлакатимиз бош майдони — Мустақиллик майдони тарих ва келажак узвийлигининг ажойиб тимсолига айланди. Бу ерга қадам қўядиган ҳар бир юртдошимиз қалбида ҳаяжон, ўз Ватани билан фахрланиш туйғуси жўш уриши табиий. Ёшларимиз учун эса бу гўзал ва муқаддас маскан ватанпарварлик, юртимизнинг буюк келажагига бўлган ишонч туйғуларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.*



## ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

3 ноябрь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев амалий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди. «Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг норасмий учрашуви бўлиб ўтди.

4 ноябрь куни «Экосан» халқаро ташкилоти «Экология ва саломатлик кунлари»нинг 3-босқичи «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили дастури асосида Тошкент шаҳри, республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида экологик ҳашар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида 4 ноябрь куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мувофиқлаштирувчи кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

8 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳаси биринчи ўқишда депутатлар томонидан берилган таклифлар инобатга олинган ҳолда иккинчи ўқишдаги муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

9 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди.

9 ноябрь куни мамлакатимизга ташриф буюрган Афғонистон Ислом Республикаси энергетика ва сув захиралари вазири Муҳаммад Исмоилхон раҳбарлигидаги делегация аъзолари «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси раиси Б.Тешабоев билан учрашди.

**12 ноябрь — Тиббиёт ходимлари куни**

*Тиббий маданият соҳиби бўлиш инсоннинг соғ-саломат ва узоқ умр кўришининг кафолатидир. Бу эса кундалик ишларни тўғри ташкил эта билиш, ўз вақтида меҳнат қилиб, дам олиш, тўғри овқатланиш, мунтазам тиббий кўрикдан ўтиб туришни талаб этади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, соғлом турмуш тарзига нечоғли риоя қилиш кишиларнинг меҳнат қобилиятини ўсишига ҳам таъсир қилади.*

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

## миллат саломатлиги гаровидир

**Нурали ШОДИЕВ**

СОҒЛИҚНИ сақлаш тизимидаги кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида аҳоли тиббий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бугун ўз самарасини бераётир. Мамлакатимиздаги кўплаб қишлоқ врачлик пунктлари, диспансер, поликлиника, марказий шифохона ва туғруқ мажмуалари миллионлаб аҳолига хизмат кўрсатаётир. Тиббиёт тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотлар республикамизнинг чекка туманларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Хусусан, аксарият қишлоқ врачлик пунктлари ва туғруқ мажмуалари мукаммал таъмирдан чиқарилди.

(Давоми 2-саҳифада)

# Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

*9 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси 2007 йилги Давлат бюджетини биринчи ўқишда муҳокама қилиш мобайнида депутатлар томонидан билдирилган мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда маромига етказилган лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Молия вазири Р.Азимов Қонунчилик палатаси муҳокамасига тақдим этди.

(Давоми 2-саҳифада)

*Бугунги кунда иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар солиқ тизимида жиддий ўзгаришларни амалга оширишни талаб этаяпти. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан ўтказилаётган «Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси лойиҳаси: таклиф ва мулоҳазалар» мавзусидаги дастлабки давра суҳбати шу йилнинг 7-11 ноябрь кунлари мамлакатимизнинг Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ташкил этилмоқда.*

## Солиқ кодекси:

# ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАР

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ**

ДАВРА суҳбати иштирокчилари ишлаб чиқариш корхоналари: мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари; хусусий, кичик бизнес: ҳозирги ҳолати таҳлили ва ривожланиш истиқболлари; хизмат кўрсатиш муассасалари: реал ҳолат ва мавжуд имкониятлар таҳлили; фермерлик ҳаракати: ечимини кутаётган муаммолар каби йўналишлар асосида гуруҳларга бўлиниб, алоҳида иш олиб бормоқдалар.

Хусусан, 8 ноябрь куни ЎзЛиДеП-нинг Навоий вилоят Ижроия қўмитасида ташкил этилган давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, ЎзЛиДеП депутатлар фракцияси, ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, ЎзЛиДеП Навоий вилоят кенгаши, вилоят Савдо-саноат палатаси масъул ходимлари иштирок этиб, Солиқ кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси бўйича маърузалар қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Шунингдек, давра суҳбатида вилоятда фаолият юритаётган ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий, кичик бизнес, хизмат кўрсатиш муассасалари, фермерлик ҳаракати масъул ходимлари ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Тадбир давомида иштирокчилар томонидан турли таклиф ва мулоҳазалар тушди. Улар бўйича билдирилган фикрлар ҳам инобатга олиниши алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг мукаммал бўлишида фаол иштирок этиш барчамизнинг вазифамиз саналади. Зеро, бу ҳолат ҳар бир ташкилот, корхона, кичик ва хусусий бизнес, фермерлик ҳаракатининг порлоқ келажагини белгилаб берувчи асосий восита бўлмоғи керак.

Кеча давра суҳбатлари Самарқанд вилоятида давом этган бўлса, бугун иштирокчилар Термиз шаҳрида Солиқ кодексининг янги таҳририни муҳокама қилишади.

# Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

УШБУ масала юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Савол-жавоблардан кейин мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг лойиҳаси иккинчи ўқишда батафсил муҳокама қилинди, муҳокама жараёнида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Мамлакатимизнинг келгуси йилги Давлат бюджети саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жўшқин ва барқарор ривожлантиришга, истеъмол товарлари ҳажмларини оширишга, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлашга, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳалари мувозанатини кучайтиришга, хўжалик субъектлари зиммасидаги солиқ юкини камайтиришга, инфляция даражасини пасайтиришга қаратилганлиги таъкидланди.

Мамлакатимиз 2007 йилги Давлат бюджетининг асосий қисми ижтимоий соҳаларга йўналтирилганлиги алоҳида таъкидланди. Унда муҳим ижтимоий муаммоларни, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга қаратиладиган давлат харажатлари улуши ошди. Мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжати лойиҳасида янги иш ўринларини барпо этиш, аҳолини аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлаш, бошқа ижтимоий харажатларни ўз вақтида тўлиқ молиялаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган. Муҳокама пайтида депутатлар томонидан билдирилган таклифлар ҳисобга олинган ҳолда Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджетини қабул қилди. Мазкур ҳужжат кўриб чиқиш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

*Ҳамкорлик*

*Жорий йилнинг 12-17 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Австрия федерал иқтисодий палатаси ва Словакия савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда мамлакатимиз ишбилармон доира вакилларининг Австрия ва Словакия давлатларига сафарини уюштирмоқда.*

# ВЕНА ВА БРАТИСЛАВА ШАҲАРЛАРИГА САФАР

**Муниса НУРМАТОВА**

МУТАСАДДИЛАР Европанинг етакчи саноат технологиялари ва инвестицияларини Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этиш, ушбу давлатларнинг ишбилармон доиралари вакиллари ва мамлакатимиз тадбиркорлари ўртасида тўғридан-тўғри ва ўзаро манфаатдор алоқаларни ўрнатиш, икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, диёримиз иқтисодий салоҳиятини намойиш этишни ҳам мақсад қилиб қўйишган. Мазкур тадбирларда Австрия ва Словакия томонидан иқтисодиёт ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палаталари ва Ўзбекистон билан ҳамкорликни ўрнатмоқчи бўлган кенг кўламдаги ишбилармон доира вакилларининг иштирок этиши мўлжалланган.

# «АЁЛ БАХТЛИ БЎЛСА»

*Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда партия негизидаги «Хотин-қизлар қаноти» фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.*

**Шоҳида АБДУЛАЗИЗОВА**

ЙИҒИЛИШДА Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, «Хотин-қизлар қаноти» раислари, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар Миллий ассоциацияси вакиллари иштирок этди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва телекоммуникация масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳамедов Фуқаролик жамиятини шакллантиришда хотин-қизларнинг ўрни ҳақида алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деди:

- Бугунги кунда жамиятимизда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириш, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги ўрнини мустаҳкамлаш каби муҳим масалалар олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир.

Тадбирда «Хотин-қизлар қаноти» фаолиятини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар, муаммолар, партиянинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётга тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар, ёшларнинг маънавий интеллектуал салоҳиятини ошириш, ижодкор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида фикр алмашилди.

# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

## миллат саломатлиги гаровидир

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

АЙНИ пайтда улар замонавий тиббиёт воситалари билан мукаммал жиҳозланаяпти.

Ҳозирда республикамизнинг турли вилоят, шаҳар ва туманлари, маҳалла, мактаб ва меҳнат жамоаларида кенг жамоатчилик иштирокида мунтазам мулоқотлар, давра суҳбатлари ташкил этиляпти. Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Тошкент иқтисодиёт коллежида бўлиб ўтди. Унда талабалар иштирокида гиёҳвандликнинг инсон саломатлигига салбий таъсири, соғлом турмуш тарзи, санитария ва гигиена қоидаларига риоя этишнинг аҳамияти хусусида давра суҳбати ўтказилди. Ўсмирлик даврининг ўзига хос хусусиятлари, бу даврда инсон организмида рўй берадиган ўзгаришлар, бирламчи касалликларнинг белгилари ва профилактикаси бўйича қизғин мулоқот бўлди.

Давлатимиз томонидан тиббиёт тизимини янада такомиллаштириш, шифокорлар меҳнатини қадрлаш, халқимизга сифатли ва малакали тиббий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйишга қаратилаётган эътибор оқ халат кийган ҳар бир шифокорни сидқидилдан меҳнат қилишга даъват этмоқда. Хусусан, шифокорлар иш ҳақининг оширилиши уларнинг кучига куч қўшди.

Мамлакатимиз Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган "Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги қонунига кўра, бундан буён ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси юртимизда тиббиёт ходимларининг касб байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Бу эса мамлакатимиздаги соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларнинг асосий ижрочилари саналмиш — барча тиббиёт ходимларига халқимизнинг юксак эътиборидир.

Саломатлик инсон ҳаёти учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Юртдошларимизда тиббий маданиятнинг шаклланиши миллатимиз саломатлигини асраш, фарзандлар баркамоллигини таъминлашга хизмат қилади.

*Тадбир*

# ННТ: интеграция йўлида

***Бугун мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири бўлган нодавлат нотижорат ташкилотларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда улар фаолиятини қонунчилик доирасида бўлишини таъминлаш ҳам долзарб масаладир. Бу борада яқинда республика Адлия вазирлигида Ўзбекистон нодавлат ва нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Ўзбекистондаги ННТлар фаолиятининг хуқуқий омиллари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

**Нурали ШОДИЕВ**

АНЖУМАНДА Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳар ва барча вилоятларда фаолият кўрсатаётган ННТ вакиллари, ОАВ ходимлари иштирок этди. Тадбирда ННТларнинг адлия идоралари билан алоқаларини кучайтириш, уларни қабул қилинаётган фармон, қарорлар ва қонунларнинг мазмун-моҳияти билан мунтазам таништириб бориш, семинарлар уюштириш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Республика Бош прокуратураси масъул ходими айрим нодавлат ва нотижорат ташкилотлар раҳбарларининг қонунчилигимиздан бехабарлиги боис йўл қўйилаётган қонунбузилишлар ҳақида фикр юритди.

— ННТлар фаолиятидаги қонунбузарликлар хусусида прокуратура ходимларининг келтирган мисоллари ва изоҳлари жудаям тўғри, — деди «Оила зийнати» маркази раҳбари Маъмура Қудратова. — Бугунги кунда инсонпарварлик, маънавий-ижтимоий ёрдам ниқобида давлат сиёсатига, қонунчилигига қарши хатти-ҳаракатлар ННТлар обрўйига путур етказиши мумкин. Бизнинг вазифамиз жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фуқароларнинг фаоллигини ва сиёсий маданиятини ошириш, улар онгига истиқлол мафкурасини сингдириш, ўз келажагини ўз қўли билан яратишга қодирлигини англатиш, уларга эзгулик йўлида маънавий-моддий кўмак беришдир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган беш мингга яқин нодавлат ва нотижорат ташкилотлари нуфузли маънавий-ижтимоий тузилмадир. Уларнинг жамоатчиликка маънавий таъсири юридик таъсирга нисбатан бир неча маротаба самарали. Ижтимоий-маиший масалаларни ҳал этишдаги роли ҳам юқори. Бинобарин, шундай экан, мамлакатимизда фуқаролик жамияти асоси бўлган нодавлат секторни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётгани кимларгадир ёқмаслиги мумкин.



— Нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда, амалдаги ҳокимиятнинг барқарор ишлашида, жамиятдаги ижтимоий кучларнинг мувозанатини сақлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бизнинг жамият ривожи йўлидаги фаолиятимизни элга тарғиб қилишда бугунгидек семенарларнинг алоҳида ўрни бор,— деди Юрист аёллар ассоциацияси ижрочи директори, профессор Жамила Шермуҳаммедова.

Семинарда нотиқлар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ташкилотлар бири-бири билан ахборот, тажриба алмашиб туриши, ўрни келганда, қонун ва қарорларни муҳокама қилиб таклифлар билдириши, мамлакатимиздаги янгиланишлар хусусида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш лозимлиги ҳақида ўз фикрларини баён қилишди.

*Социологик сўровлар*

# МАМЛАКАТИМИЗДА «УЧИНЧИ СЕКТОР» ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНМОҚДА?

***Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти мамлакатимизнинг фаол ҳаракат олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ўртасида республикадаги учинчи сектор институтларининг ривожланиш жараёнлари бўйича сўров ўтказди. Социологик сўровда қатнашганларнинг нодавлат секторидаги иш фаолияти ўртача 2-5 йилни ташкил этади.***

УЛАРНИНГ фаолияти асосан тендер муносабатлари ва хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимояси, ёшлар ҳуқуқий онги ва билимларини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, имкониятлари чекланган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хайрия ва бошқа соҳаларни қамраб олган.

Респондентларнинг тасдиқлашича, мавжуд миллий қонунчилигимизда учинчи сектор ривожи учун зарур ҳуқуқий замин яратилган. Бу борада улар 1999 йилда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги қонун, шунингдек, «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини алоҳида қайд этишди.

Юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг сон ва сифат жиҳатидан ўсиши уларнинг фаолияти учун қулай ташкилий шароитлар яратилганининг ижобий натижаси сифатида баҳоланди. Қайд этилишича, 1990-йиллар бошида мамлакатда саноқлигина нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият кўрсатган бўлса, айни пайтда жамиятдаги долзарб ижтимоий масалалари билан шуғулланаётган ташкилотлар сони салкам беш мингга яқинлашмоқда.

Респондентларнинг 51 фоизи мамлакатимизда нодавлат сектори ривожланиши ҳақида ижобий фикрга эга, хусусан, сўралганларнинг 34 фоизи ташкилот низомидан келиб чиқувчи вазифаларни ҳал этишда ўзлари ишлаётган ННТ фаолияти тўғрисида фикр юритиб, уни «етарли даражада яхши», яна 38 фоизи — «ўрта даражада» деб баҳолади. Қайд этилишича, улар «грант берувчилар билан яхши ва ишончли муносабатларни йўлга қўйишда юзага келадиган барча масалаларни эса ҳуқуқий майдон доирасида ҳал этмоқдалар».

Шунингдек, сўралганларнинг 15 фоизи ташкилот ўз низомидан келиб чиқувчи вазифаларни ҳал этишда ҳали етарли даражада салоҳиятга эга эмас, деб ҳисоблайди. Улар ҳали ўз фаолиятини мониторинг қилишлари ва ташкилий тизимни йўлга қўйишлари, грант маблағлари олишда рақобатбардошлик даражасига кўтаришлари учун кўп ишлашлари керак.

Шу билан бирга респондентларнинг муайян қисми (19 фоизи) республика учинчи секторининг ишга солинмаган имкониятлари кўп, деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, «ННТлар жамият салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқаришга қодир реал учинчи секторга айланиши керак». Бу эса мамлакатда демократик ислоҳотлар олиб борилишининг асосий омилларидан бири сифатида юртимиздаги ННТларни ривожлантириш бўйича ишларни янада кучайтиришни талаб этади.

Респондентларнинг катта қисми Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ташкил этилиши ва фаолият олиб боришини ижобий жараён деб ҳисоблайди. Бу учинчи сектор ривожланиши стратегиясини амалга оширишнинг қонуний босқичи сифатида баҳоланмоқда. Сўров иштирокчиларининг 22 фоизи ассоциация яқин орада ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа масалалар юзасидан юртимиздаги ННТларни қўллаб-қувватлаш учун асосий таянч бўлиши мумкинлигига умид боғламоқда.

Шу билан бирга Респондентларнинг ярмидан кўпроғи (яъни 51 фоизи) қайд этганидек, бугун юртимиздаги ННТлар учун ахборот кўмаги, ташкилий ва ҳуқуқий ёрдам олишнинг асосий манбаи Адлия идораларидир.

Бундан ташқари, сўралганларнинг салкам учдан бири учинчи сектор ходимларининг профессионализми, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданияти етарли даражада эмаслигини ўта долзарб масала сифатида қайд этди.

Респондентларнинг фикрича, республика нодавлат сектори институтларини ривожлантириш мақсадида амалий тадбирлар, жумладан, ННТ вакиллари малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш (масалан, мунтазам ўқув курслари, семинарлар, тренинглар ташкил этиш) зарур.

Шунингдек, учинчи сектор институтлари фаолиятини кенг тарғиб қилиш учун ресурс марказлар, Ўзбекистон ННТ миллий ассоциацияси ёки фуқаролик жамиятини ўрганиш институти негизида учинчи секторнинг ягона ахборот базасини ташкил этиш (қўлланмалар чоп этиш, тегишли веб саҳифалар очиш), ахборот алмашинувини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Респондентлар учинчи секторга давлат буюртмаларини жалб этиш асосида давлат институтлари билан ҳамкорликни янада чуқурлаштириш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон ННТ миллий ассоциацияси ижрочи директори Р.Сарбоев ўтказилган ижтимоий сўров натижаларини изоҳлар экан, Ассоциация тузилганига энди бир йил бўлганини, шунга қарамасдан ассоциация респондентлар томонидан юқорида қайд этилган барча йўналишлар бўйича ишлар олиб борилаётганини маълум қилди. Хусусан, яқин вақтларда Ўзбекистон ННТ миллий ассоциацияси грант олувчилар учун учинчи марта танлов ўтказишни режалаштирмоқда. Юртимиздаги ННТ вакиллари учун ўқув маркази ташкил этилган бўлиб, унда республика минтақаларида ННТ фаолиятини ташкил этишга ёрдам кўрсатадиган тренерлардан дастлабки гуруҳи тайёрланди. Республикада учинчи сектор фаолияти тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш бўйича ҳам қизғин иш олиб борилмоқда.

***Нодавлат нотижорат ташкилотлар демократик фуқаролик жамияти қуришнинг асосий таянчларидан бири сифатида мамлакатимизда кенг эътироф этилмоқда. Уларнинг мустақил ва эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқий-меъёрий асослар яратилмоқда. Лекин жамиятимизда ННТларнинг роли ва аҳамияти тўғрисида кўпчилик ҳали чуқур тасаввурга эга эмаслиги ҳам бор гап.***

# МАҚОМИ – ИНСОНПАРВАРЛИК, МАҚСАДИ – ТАРАҚҚИЁТ

**Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси раиси**



## ИЛК ҚАДАМ

ННТлар XIX асрдан бошлаб ташкил этилган, уларнинг вазифалари эса давр тақозосига монанд ўзгариб келган. Масалан, илк ННТлардан бири халқаро Қизил хоч қўмитаси бўлиб, у кўнгиллилар томонидан 1863 йилда тузилган. Улар даставвал фақат инсонпарварлик ёрдами ташкилотлари ёки уюшмалари сифатида фаолият кўрсатиб, асосан, уруш ёки табиий офатдан талофот кўрган ҳудудларда ёрдамга муҳтож кишилар ва жамоалар билан иш олиб борган. Дори-дармон, озиқ-овқат ва кийим-кечак етказиб бериш каби ишлар билан шуғулланганлар. Жамият аъзолари, асосан, оддий фуқаролардан ташкил топганлиги боис зарур эҳтиёжларни тез аниқлаш ва уларни зудлик билан қондиришга ҳаракат қилиши билан ажралиб турган.

"Нодавлат нотижорат ташкилоти" атамаси биринчи марта 1945 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида тилга олинган. Гарчанд БМТ ҳукуматлараро ташкилот бўлса-да, ННТларнинг аҳамиятини инобатга олиб, уларга ташкилот қошида Маслаҳат мақоми берилган. Унга кўра, ННТлар БМТ фаолиятининг у ёки бу йўналиши бўйича муайян масалаларда маслаҳат бериш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Агар ННТлар тарихи уч босқичга бўлиб ўрганилса, унинг умумбашарий тараққиёт босқичларига монандлигига гувоҳ бўламиз.

Биринчи босқичдаги ННТлар, асосан, юқорида айтиб ўтилганидек, инсонпарварлик фаолияти билан шуғулланган. Сабаб — ўша даврда дунё Иккинчи жаҳон урушини ва бир қанча фуқаролик урушларини бошдан кечирган, барча давлатларнинг иқтисодий аҳволи танг, турли касалликлар авж олган кезлар эди. Шунинг учун ННТларнинг инсонпарварлик фаолияти ўша давр учун ниҳоятда зарур бўлган.

**ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ТИЗИМ АНЧА АСРЛАР ИЛГАРИ МАВЖУД БЎЛГАН.**

ННТларнинг иккинчи авлоди фаолияти кичик кўламдаги миллий давлатлар тараққиётига қаратилди. Чунки кўплаб давлатлар Иккинчи жаҳон урушидан кейин тараққиёт йўлига кираётган, мустамлакачиликдан озод бўлиб, ночор ижтимоий соҳаларга эътибор қаратаётган эди. Шунинг учун ННТларнинг кичик кўламдаги жадал фаолиятига жамиятда эҳтиёж сезилар эди.

ННТларнинг учинчи авлоди ўз фаолиятини барқарор тараққиёт дастурлари билан боғлайди. Улар инсонпарварлик ташкилотидан тараққиёт ташкилотига айланиб, маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсларда сиёсий институтлар, ҳукумат ва жамият билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Улар жамиятдаги ижобий ўзгаришларга ўз ҳиссаларини қўшиш билан бир қаторда қабул қилинажак қонун ва қарорларга ҳам муносабатларини билдирадилар.

## БИРЛАШГАН ЎЗАР

БУГУНГИ кунда ННТларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялаш фуқаролик жамиятини барпо этишда катта аҳамият касб этади, десак асло муболаға эмас. Келинг, шу ўринда яна бир халқаро тажрибага мурожаат этайлик. Масалан, бугунги жадал тараққиёт даврида нафақат ташкилотлар, балки катта-катта давлатлар ҳам, йирик компаниялар ҳам муайян уюшма ва иттифоқларга бирлашмоқда. Сабаби эса оддий — "бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар". Бу мақолдан ННТлар фаолияти ҳам мустасно эмас. Ҳуқуқий, молиявий ва маъмурий қўллаб-қувватлашга муҳтожликни бартараф этиш мақсадида фаол ННТлар тарафидан бизнинг Ассоциация ташкил этилган. Чунки бугун мавжуд муаммоларни билим ва кучларни бирлаштириш билангина ҳал этиш мумкин. Бундан ташқари, Ассоциация ташкил қилиниши билан бир қаторда, унинг қошида ННТларни қўллаб-қувватлаш Фонди ҳам ташкил этилди. Фонднинг мақсади — ННТлар учун доимий равишда миллий ва халқаро миқёсда ҳомийларни қидириш, тўпланган маблағларни тежаш ва кўпайтириш, ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли лойиҳаларни молиялаштиришдир. Бу муаммоларни ҳал этиш йўлида қўйилган энг катта қадамдир.

**ННТ ТАШКИЛ ЭТАДИГАН ФУҚАРОЛАР, АВВАЛО, ФИДОЙИ БЎЛИШИ, ТУЗАЁТГАН ТАШКИЛОТИНИНГ МАҚСАД-ВАЗИФАЛАРИНИ АНИҚ БИЛИШИ ВА СОҲАНИ ЯХШИ ТУШУНИШИ ЛОЗИМ.**

ННТларни қўллаб-қувватлаш Фондига бугунги кунда йигирмага яқин йирик корхона ва ташкилотлар ҳомийлик қилиш таклифини киритишган. Айни дамда уларнинг аксарияти билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида аҳдномалар имзоланган. Лекин вилоятлардаги айрим бизнес доираларининг бу масалага суст ёндашаётгани ачинарли. Сабаби, аввало, уларда ННТлар ҳақидаги тушунчанинг жуда ҳам торлиги, иккинчидан, уларга кўрсатилажак молиявий ёрдам эвазига ҳозирча ҳеч қандай имтиёзлар берилмаслигидир. Чунки бундай имтиёзлар ҳали қонунда белгиланмаган. Лекин ассоциациямиз жорий йил бошидан буён "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги ва "Ҳомийлик тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаси юзасидан сиёсий партиялар вакиллари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида республика бўйлаб бир қанча давра суҳбатлари ўтказди. Давра суҳбатлари давомида ННТларга кўрсатилажак молиявий ёрдам эвазига тадбиркорларга имтиёзлар қонунида белгиланиши алоҳида таъкидланди. Тез кунларда ушбу қонунлар қабул қилингач, ўйлаймизки, барча вилоятлардаги тадбиркорлар билан ҳам ҳомийлик тўғрисида музокаралар жонланади.

## МАҚСАД ВА ВАЗИФА

МАҚОЛАМИЗ бошида ННТлар XIX асрдан буён мавжудлигини айтган эдик. Биз бунда замонавий кўринишдаги ННТларни назарда тутдик. Ваҳоланки, Ўзбекистон ҳудудида фуқаролик жамияти институти вазифасини бажарувчи органлар анча асрлар илгари мавжуд бўлган. Бу ташкилот, асосан, ҳукмдорларга турли масалаларда маслаҳат бериш каби ишлар билан шуғулланган. Масалан, "Темур тузуклари"да ёзилишича, Соҳибқирон Амир Темур ўз саройида машварат-маслаҳат ўтказган. Унда нафақат беклар ва амирлар, балки олимлар ва фозил кишилар ҳам қатнашганлар. Давлат ва жамият ишлари ана шу маслаҳат орқали кенгашиб олинган. Маслаҳатга зиёлиларнинг жалб этилиши Соҳибқиронга жамият ва раият ҳақида тўлиқ ва холис маълумотга эга бўлиш, мавжуд муммолар ечимини тўғри топишга ёрдам берган. Бундай маслаҳатлар Темурийларнинг кейинги авлодлари, хусусан, Мирзо Улуғбек ва Бобур Мирзолар давлатида ҳам бўлган.

Замонавий кўринишдаги ННТлар Ўзбекистонда Мустақилликдан кейингина ташкил этила бошланди. Шу боис бўлса керак, кўпчилик ННТ мақсад-вазифалари хусусида мукаммал маълумотга эга эмас. Буни яхши тушунмаслик эса, уни даромад олиш манбаига айлантиришга уриниш ҳолларига учраб туришига олиб келади. ННТ ташкил этадиган фуқаролар, аввало, фидойи бўлиши, тузаётган ташкилотининг мақсад-вазифаларини аниқ билиши ва соҳасини яхши тушуниши лозим.

Мана шуларни ҳисобга олиб, Ассоциация қошида ННТлар ўқув маркази ташкил қилдик. Ушбу марказ ННТлар ишини қандай қилиб тўғри йўлга қўйиш, мақсадларни белгилаш, устувор йўналишларни аниқлаш, лойиҳалар тайёрлаш, ҳомийлар излаш, ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда қўшимча маблағларни топиш каби масалаларда мунтазам ўқув курсларини ташкил этади. Бундан ташқари, ўқув марказида ННТ ходимлари малакасини ошириш бўйича ҳам дастурлар амалга оширилади. Буни ижобий тенденция, десак бўлади.

Ҳозир ННТлар давлат буюртмаси бўйича, яъни, муайян муаммоларни ҳал этиш вазифасини олиш юзасидан ҳам бирмунча ишлар қилмоқда. Агар биз мана шу вазифани кенг йўлга қўйсак, Ўзбекистонда ННТлар тараққиётини янги, алоҳида босқичга олиб чиққан бўламиз.

Биз фуқаролик жамиятини қуриш учун интиляпмиз. Табиийки, бунда ННТларнинг мавқеи ошади, ННТларнинг жамиятни бошқаришдаги роли демократик фуқаролик жамияти талабларига тўла жавоб берадиган бўлади.

Бугуннинг долзарб вазифаси ННТларнинг фаоллигини кучайтириш, унинг аъзоларини ҳуқуқий ва сиёсий онгини ошириш лозим. Нодавлат нотижорат ташкилотлар халқаро тажрибаларни чуқур ўрганиши, Ўзбекистон жамиятининг ўзига хос тарафларини, миллий қадриятларни, одамлар билан муносабатда миллий омилларни тўлиқ англаб етиши зарур. Асосийси, ННТлар жамият олдида турган муаммоларни аниқлаб, тўғри ташхис қўйиб, унинг конструктив ечими юзасидан мақсадга йўналтирилган ишларни амалга оширишни ўрганиши лозим.

*Фуқаролик жамияти юксак маърифат эгаларининг жамиятидир. Бундай юксак маданият даражасига эришмай туриб, фуқаролик жамиятини яратиш қийин кечади. Бу вазифа шундан иборатки, у фуқаролик жамиятини қуришга тўсиқ бўлаётган иллатлардан фориғ бўлишини талаб этади.*



Солижон ҲАСАНОВ,
профессор

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ

## ёхуд биз уни қандай идрок этамиз?

### ДЕМОКРАТИЯ МАДАНИЯТИ

БИЗ мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажагини фуқаролик маданияти тимсолида ёрқин тасаввур этишимиз мумкин. “Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш вазифалари ва истиқболлари кўп қиррали бўлиб, кўпгина долзарб муаммоларни ўз ичига олади, — дея таъкидлаган эди Президент Ислом Каримов. — Бунда асосан икки муҳим жиҳат: биринчидан, демократик фуқаролик жамияти қуришда дунё мамлакатлари эришган ютуқлар, умумэътироф этилган демократия тамойиллари, иккинчидан, ҳар бир мамлакат ёки халқнинг ўзига хос, миллий-маънавий хусусиятларини ҳисобга олиш бу фанни ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади».

Шу маънода, ҳар бир мамлакат ёки халқнинг ўзига хос, миллий-маънавий хусусиятларидан келиб чиқиладиган бўлса, аждодларимизнинг муқаддас ёзма ёдгорликларида бу борада бизга бугун ҳам сабоқ бўлгулик жиҳатлар жуда кўп. Масалан, Зардўштийлик таълимотида “Инсон фикран ҳам, хаёлан ҳам ҳасадгўй бўлмаслиги лозим, — дея таълим берилади. — Яхши ниятли киши ҳеч қачон дарғазаб бўлмайди ва жаҳолатга берилмайди, чунки жоҳиллик ҳолатида у яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолатни унутиб, ножўя ҳаракатлар қилади”.

Кўряпсизми, фуқаролик жамиятининг энг муҳим омили бўлган демократия маданияти ота-боболаримизнинг муқаддас китобларида қанчалар теран ва пурҳикмат ҳолда ифода этиб берилган. Айнан бурч ва адолатни фикран ҳам, хаёлан ҳам унутмаслик ҳаёт тарзимизда бу инсоний маданиятга оғишмай амал қилишнинг муҳим шарти сифатида намоён бўлмоқда. Бундай маданиятга эришишда умумжамоа мавқеига алоҳида аҳамият қаратган Абу Наср Форобий шундай сабоқ берадилар: “Ҳар бир инсон яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, ёлғиз ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун эса фуқаролик жамоасига эҳтиёж туғилади”.

### ЭҲТИЁЖ ВА ТАЖРИБА

АМИР Темур, Мирзо Улуғбек каби буюк салтанат соҳиблари ҳам фуқаролик жамиятининг ўз даври учун ниҳоятда зарур бўлган аҳкомларини асарларида баён этиб кетишган ва амалда шундай жамиятнинг муайян намуналарини шакллантиришга ҳаракат қилишган. Масалан, “Темур тузуклари”да Амир Темур давлатининг ихтиёрий қурилмасини фуқароларнинг 12 табақаси ташкил қилгани ва ҳар бир табақа кишилари ўз касб-ҳунар, мавқеи ҳамда вазифаларга эга бўлгани қонун даражасида белгилаб қўйилган. Натижада, жамиятда барқарорлик юзага келади.

**ҲАР БИР ИНСОН ЯШАШ ВА ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ ЕТУКЛИККА ЭРИШМОҚ УЧУН КЎП НАРСАЛАРГА МУҲТОЖ БЎЛАДИ, ЁЛҒИЗ ЎЗИ БУНДАЙ НАРСАЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТА ОЛМАЙДИ, УЛАРГА ЭГА БЎЛИШ УЧУН ЭСА ФУҚАРОЛИК ЖАМОАСИГА ЭҲТИЁЖ ТУҒИЛАДИ**

Фуқаролик жамиятининг асосий таянчларидан бўлмиш инсон ҳуқуқларининг устуворлигини “Авесто” амалий қонунларининг мақсади барча жиҳатлардан уйғун ва уюшган, гуллаб-яшнаган адолатли жамият яратиш, деб тушунтиради. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий бобомиз “Садди Искандарий” достонида адолатли ҳукмдорнинг давлатни адолатли қонунлар асосида бошқариши зарурлигини таъкидлаб, қадим юртимизда неча йиллар бурун шаклланган давлатчилик анъаналарининг нечоғлик умуминсоний моҳиятга эга эканлигини рўй-рост кўрсатади. Масалан, туркий халқлар давлатчилиги тарихида мавжуд бўлган қурултой анъанасига Хоразмшоҳлар давлатида ҳам, Соҳибқирон Амир Темур ва Бобурийлар давлатида ҳам, ҳатто Муҳаммад Раҳимхон Феруз даври Хива хонлигида ҳам амал қилинган. Осиё ва кейинчалик Европадаги қатор мамлакатлар бу тажрибани ўзлаштириб ўзларининг, замонавий парламентларини шакллантирганлар.

Шунга кўра, айтиш мумкинки, бизнинг қадим давлатчилик тарихимизда бугунги фуқаролик жамиятининг ўзига хос шарқона модели шаклланган эди. Фуқароларнинг асосий манфаатлари — бу эркин ва озод яшаш, инсон ҳуқуқларини таъминлашдан иборатлиги фуқаролик жамияти моҳиятини ифодаловчи жиҳатлардир. Бу тамойиллар биз таянаётган давлатчилик анъаналаримиз мазмунида ўз аксини топиб тургани ҳам бизда демократия маданияти теран илдизларга эга эканини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг буюк келажагига қўйилган мустаҳкам пойдевор ҳам жамиятнинг барча қатламлари орасида тотувликни амалда намоён этади. Масалан, барча динларга муносабатда бағрикенглик қанчалик зарур бўлса, жамият аъзоларининг турли қатламлари орасида ҳам бағрикенглик шунчалик зарур. “Сен қайси уруғдансан?”, “Қайси вилоят вакилисан?” каби бир миллат вакилларини бир-биридан ажратувчи иллат ва майда туйғулардан устун тура билмоқлик демократия маданиятини шакллантиришнинг муҳим шартларидан биридир.

Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик тараққиётнинг ўзбек модели мамлакатимиз ҳаётида изчиллик билан амалга оширилаётган тамойилларни ўз ичига олиб, демократик маданият мазмун-моҳиятини ўзида тўла мужассам этади.

Зеро, мамлакатимиз Раҳбари таъкидлаганидек, “Демократик жамият бу — энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни — шахслараро, миллатлараро давлат ва ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди”.

*Халқаро анжуман*

# УЧРАШУВ ҲАМКОРЛИК РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***13-16 ноябрь кунлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўзбекистонлик ва россиялик экспертлар, мутахассислар ҳамда журналистларнинг биринчи учрашуви бўлиб ўтади. Мазкур учрашув Ўзбекистон Минтақавий сиёсат фонди ва Россия Эффектив сиёсат фонди ташаббуси билан ташкил этилмоқда.***

УЧРАШУВ Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иттифоқчилик муносабатларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, демократик институтлар ва жараёнларни ривожлантириш, сиёсий модернизация истиқболлари масалаларига бағишланади.

Тадбир давомида йирик жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари билан учрашувлар ўтказилади.

Учрашувлар доирасида 14-15 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида «Демократик институтлар ва жараёнларни ривожлантириш аҳволи ва истиқболлари: Ўзбекистон ва Россия тажрибаси» мавзуида халқаро давра суҳбати ҳам бўлиб ўтиши кутилмоқда.

*Хушхабар*

***Яқинда Паркентда 6 та йўналиш бўйича транспорт қатнови йўлга қўйилган янги шоҳбекат фаолият бошлайди. Ҳозирда сўнгги пардозлаш ҳамда асфальт ётқизиш ишлари якунига етмоқда.***

# ЯНГИ АВТОШОҲБЕКАТ

Садоқат ИСМОИЛОВА

— ЭСКИ шоҳбекат замон талабига жавоб бермас эди, — дейди Тошкент вилояти бошбекатлар бошқармаси Паркент шоҳбекати бошлиғи Бахтиёр Убайдуллаев. – Шу боис бозор ёнида автобус ҳамда йўловчилар кириб-чиқишлари учун ноқулай бўлган шоҳбекатни кўчиришга тўғри келди. Туман ҳокимлиги ҳамда ҳомий ташкилотлар кўмагида қайтадан ташкил этилган бу масканда бугунги кунда ҳайдовчи ва йўловчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Шунингдек, «Оналар ва болалар» хонаси, чиптахона, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари барпо этилган.

Янги автошоҳбекат ишга тушиши билан 100 дан зиёд турли русумдаги автоуловлар йўловчиларнинг узоғини яқин қилади.

ЖАМИЯТ
СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ
2006 йил 10 ноябрь №8 (8)

*Озод ва обод Ватанга тўйлар ярашади. Ўтган ўн беш йил мобайнида турли воқеалар ва саналар муносабати билан ўтказилган миллий байрамларимизнинг ҳар бири ўзига хос ва бетакрор шодиёналар бўлди. Буни мен яқинда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанларни ойнаи жаҳон орқали томоша қилиб, яна бир бор юрак-юрагимдан ҳис этдим. Шу нарса қувонарлики, эндиги байрам ва тантаналаримизнинг мазмун-моҳиятида халқимиз қалбида асрлар мобайнида эъзоз топиб келган гўзал анъаналар, оилавий бахт ва бахтиёрлик руҳи янада яққолроқ акс этаётир.*

# ОИЛА – ЭЛ-ЮРТ ТАЯНЧИ

## Қарши шаҳрида барпо этилган «Эл-юрт таянчи» монументал ҳайкали қошидаги ўйлар

**Васила КАРИМОВА,**
**Республика “Оила” илмий-амалий маркази директори, профессор**

ТЎЙГА түёна билан келиш халқимизнинг азалий одати. Бироқ бу хайрли анъана мустақиллик йилларида янги маъно ва мазмун билан янада бойиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Шу маънода Қарши шаҳрида сўнгги икки йил ичида қурилиб фойдаланишга топширилган муҳташам спорт саройлари, янги коллеж ва лицейлар, боғ ва хиёбонлар, таъмирдан чиқарилган масжиду мадраса каби тарихий обидалар, кўприкларни кўриб кўзингиз қувнайди. Мен хизмат сафари билан Қашқадарёнинг барча туманларида кўп бўлганман. Лекин мана шу шукуҳли байрам муносабати билан шаҳар марказида қад кўтарган бир замонавий ёдгорлик менда айниқса катта таассурот қолдирди. У муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан барпо этилган “Эл-юрт таянчи” монументидир.

Мен бу бадиий обидани кўриб, мамлакатимизда ёш авлод онги ва қалбида ватанпарварлик туйғусини камол топтирувчи яна битта монумент вужудга келганидан қувондим. Агар яхшилаб эътибор берсангиз, пойтахтимизнинг бош майдонида фарзандини қўлида авайлаб тутганча борлиққа мунис нигоҳ билан боқаётган “Она ва бола” сиймоси ҳамда кўҳна Насафнинг қоқ марказида қад ростлаган “Эл-юрт таянчи” ёдгорликлари мантиқан бир-бирини тўлдирувчи, бизнинг ўзбеклар юртида оила муқаддаслигини англатиб турувчи гўзал бадиий обидалардир.

**ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БОШ МАЙДОНИДА ФАРЗАНДИНИ ҚЎЛИДА АВАЙЛАБ ТУТГАНЧА БОРЛИҚҚА МУНИС НИГОҲ БИЛАН БОҚАЁТГАН “ОНА ВА БОЛА” СИЙМОСИ ҲАМДА КЎҲНА НАСАФНИНГ ҚОҚ МАРКАЗИДА ҚАД РОСТЛАГАН “ЭЛ-ЮРТ ТАЯНЧИ” ЁДГОРЛИКЛАРИ МАНТИҚАН БИР-БИРИНИ ТЎЛДИРУВЧИ, БИЗНИНГ ЎЗБЕКЛАР ЮРТИДА ОИЛА МУҚАДДАСЛИГИНИ АНГЛАТИБ ТУРУВЧИ ГЎЗАЛ БАДИИЙ ОБИДАЛАРДИР.**

Биз ўзбеклар оилани қадрлайдиган, онани улуғ ва муқаддас биладиган, отага эҳтиром билан қарайдиган, фарзандини жон-дилидан севадиган, унга ҳаётини ҳам бахш этишга қодир халқмиз. Иккала ёдгорликни яратишга ҳам халқимизнинг ана шу азалий туйғулари асос қилиб олинган. Боласини ардоқлайдиган она — бу юртини ҳар хил бало-қазолардан, фалокатлардан асровчи фидойи халқ тимсолидир. Бутун куч-қуввати ва меҳрини эл-юртига, жигарбандларига, аҳли аёлига беришга тайёр мард эркак сиймоси ўша она ардоқлаган элнинг таянчи ва ишончи рамзи сифатида Қарши шаҳридаги ёдгорликда гавдалантирилгани ҳам бежиз эмас.

Бу ёдгорликнинг маъно-моҳиятида мамлакатимиз Раҳбари таъкидлаганларидек, қанчадан-қанча синов ва бўронларни бошидан кечириб, ўз она заминини не-не босқинчи, ёвуз кучлардан, ҳар қандай бало-қазолардан кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келган, ўз зурриёди ва насл-насабини ақл-заковат, мардлик ва матонат соҳиби этиб тарбиялаган, шу эл-юртнинг мана шундай мунаввар кунларга етиб келишида беқиёс куч-қувват ва мадад берган, ўзининг оғир ва машаққатли меҳнати билан шу юртни обод этган, ҳаётни тебратган инсон ва шу инсонни тарбиялаган оиланинг, халқнинг сиймоси акс этиб турибди.

Оила тинч бўлса фаровонлик яратилади, оилада аҳиллик ва тўкис бахт бўлсагина жамият барқарор ривожланади, маънавият мустаҳкам бўлади. Шунинг учун ҳам аёлни ардоқлаш, эрнинг ҳурматини



жойига қўйиш хислатларини биз ёшлигимиздан қалбимизга сингдириб, бу ибратларни шахсий фазилатимиз даражасига кўтаришни азалий бурч деб ҳисоблаймиз.

Давлатимиз раҳбари ушбу ҳайкал пойидаги тегирмон тошига ҳам жуда гўзал таъриф бердилар: “Тегирмон тоши бамисоли ҳаёт гардиши каби шиддат билан айланиб, замон, давр тинимсиз ўзгариб боришини англатиб турибди. Тегирмон тоши узра эса бир-бирини асраб-авайлаб, бир-бирига елкадош бўлиб, ўз она заминида мустаҳкам турган, диёрини бутун дунёга танитган, ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам ўзига ишониб яшаётган, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлган меҳнаткаш оила тасвири мужассамлашган”.

Дарҳақиқат, бу монументал обиданинг авлодлар ворислигига дахлдор бўлган ғоявий мазмуни ҳар жиҳатдан ибратлидир. У илмий тилда патернализм деб аталувчи маънони ёдга туширади. Унга кўра эркак етакчи бўлиши, яъни оила бошсиз қолмаслиги учун жасорат кўрсатиши талаб этилади. Ҳар бир оиланинг мустаҳкамлигида ҳам унинг соҳиби — отанинг ўрни беқиёс. Она муҳаббат ва садоқат, гўзаллик ва латофат тимсоли, фарзандларга нисбатан чексиз меҳр бахш этувчи сиймо бўлса, бу эзгу туйғуларни оиланинг ишончли қўрғонида асровчи, уни бало-қазолардан ҳимоя қилувчи зот — мардлик ва матонат тимсоли отадир.

Айрим хорижлик тадқиқотчилар аниқроғи эр ва хотиннинг абсолют тенглиги ғоясини илгари сураётган, барча масалаларда хотин-қизларнинг етакчилигини даъво қилаётганлар ўзбек оиласининг мазмун-моҳияти жамият барқарорлиги ва маънавият устуворлигидан келиб чиққанини идрок эта олмайдилар. Улар ҳаёт тарзимизни, асрий анъаналаримизни билмасдан, унинг моҳиятини теран илғамасдан туриб, бизнинг асрлар синовидан ўтган маънавиятимиз анъаналарига таъсир кўрсатиш мақсадида ўзларининг инсоний маънавиятга зид турмуш тарзларини тарғиб этадилар.

**ОНА МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ, ГЎЗАЛЛИК ВА ЛАТОФАТ ТИМСОЛИ, ФАРЗАНДЛАРГА НИСБАТАН ЧЕКСИЗ МЕҲР БАХШ ЭТУВЧИ СИЙМО БЎЛСА, БУ ЭЗГУ ТУЙҒУЛАРНИ ОИЛАНИНГ ИШОНЧЛИ ҚЎРҒОНИДА АСРОВЧИ, УНИ БАЛО-ҚАЗОЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ЗОТ — МАРДЛИК ВА МАТОНАТ ТИМСОЛИ ОТАДИР.**

Мустақиллик йиллари амалда жорий этилган қонунларимизда, Ўзбекистон Президентининг кўпгина Қарор ва Фармонларида хотин-қизларимизнинг барча умуминсоний ҳақ-ҳуқуқлари тўкис кафолатлангани барчага маълум. Мамлакатимиз ҳаммага тенг академик маълумот ва касб-ҳунар бераётган давлатлар сирасига киради. Аёлларимиз фарзанди икки ёшга тўлгандан сўнг меҳнат қилиш, ҳомиладорлик ва фарзанд тарбияси билан машғул пайтларида нафақа олиш, истаган пайтда ўз мутахассислиги бўйича фаолият юритиш имконига эгалиги юртимизга меҳмон бўлиб келаётган барча холис ниятли кишилар ҳам эътироф этаётир.

Биз учун энг муҳими, ҳар хил ғоявий хуружлар замиридаги пинҳона мақсадларни англаган ҳолда ўз қадр-қимматимизни, ўз миллий манфаатларимизни мардона ҳимоя қилмоқдир. Бугунги ўзбек оиласининг бахти фарзандлар камолини кўрмоқ, уларни ҳур ва озод Ватан шаън-шавкатига муносиб фарзандлар этиб тарбияламоқдадир.

## ДУШАНБА, 13 НОЯБРЬ

### O'ZBEKISTON

*Ҳурматли телетомошабинлар!. Профилактика муносабати билан душанба, **13** ноябр куни «O'zbekiston» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат **14.55** дан бошлайди.*

**15.00-15.45** «Таҳлилнома».
**15.45** «Ватанпарвар».
«Болалар сайёраси»:
**16.45** «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
**17.00** «Ахборот».
**17.15** Олтин мерос.
**17.25** «Равнақ» студияси.
**17.40** «Инсон ва саломатлик».
**18.00** «Умр дафтари». **1**-қисм.
**18.20** **«Виждон»**. Т/с.
**19.00** «Аъло ўйинчи».
**19.15** «Оҳанглар оғушида».
**19.20** «Дунё иқлими».
**19.30** «Ахборот» (русча)
**20.05** «ТВ шифокор».
**20.10** **«Оила ришталари»**. Т/с.
**20.50** «Дунё иқлими».
**21.00** «Ахборот».
**21.40** «Сиз соғинган оҳанглар».
**22.00** **«Сарой жавоҳири»**. Т/с.
**23.10** «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS)
**23.20** «Сукунат мусаввири».

### YOSHLAR

**16.00** Давр.
**16.15** Journal.
**16.35** Интерфутбол.
**18.15** UzEX.
**18.25** Ракурс.
**18.40** Дилрабо.
**18.55**, **21.55** Иқлим.
**19.00** ДАВР.
**19.30** Наво-SMS.
**19.40** **«Шимол тафти».** Т/с.
**20.10** Спорт-лото.
**20.15** UzEX.
**20.20** Азизим.
**20.45** Юртим юраги.
**20.50** Омон бўлинг!
**21.00** **«Муҳаббат дардлари».** Т/с.
**22.00** ДАВР.
**22.30** «YOSHLAR»ДА КУЗ ОҚШОМЛАРИ.

### TOSHKENT

**18.00** М/ф. «Кўк сичқонча ва хумбош мушукнинг саргузаштлари».
**18.10** «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт».
**18.50** **«Гвадалупе»**. Т/с.
**19.30** «Мусиқа SMS».
19.50 «Саломат бўлинг»
**20.00** **«Пойтахт»**
**20.20** «Эрудит»
**20.35** «Уммон йиртқичлари». 1-қисм.
**21.00** «Интервью»
**21.10** «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
**21.50** «Телекурьер-маркет».
**22.10** «Аёл қалби».
22.30 «Пойтахт»
**22.50** Кино: **«Смокинг»**

### SPORT-TV

**7.00** «Бардам бўлинг».
**8.00** «Версия».
**8.30** «Болалар спорти».
**8.50** М/ф.
**9.00** «Талқин».
**9.30** «Мониторинг».
**9.50** «Детективлар».
**10.20-10.50** От спорти. Ўзбекистон кубоги.
**18.00** «Паҳлавон».
**18.30** «Хабарлар» (русча)
**18.50** Белбоғли кураш. Жаҳон чемпионати.
**19.10** «Мени кутгил».
**20.00** «Вести».
**20.20** «Тет-а-тет».
**20.30** **«Қиш олчаси».** Т/с.
**21.30** «Хабарлар» (ўзбекча)
**21.50** «Футбол шарҳи».
**22.10** «Проф-РИНГ».
**23.00** Футбол. **«Самарқанд-Д» - «Пахтакор».**

### 30-Й КАНАЛ

**16.55** гача профилактика ишлари
**16.55** – Открытие программы
**17.00** – «Теле-экспромт», (повтор)
**17.30** – «Мусиқий табассум»
**18.00** – НТТ – **«Болалар соати»,** М/ф.
**18.20** – НТТ – «Севги наволари»
**18.40** – НТТ – «Шарқ Тв»
**19.00** - «Ошиқона»
**19.40** – «Теле-Хамкор»
**20.00** - «Мусиқий табассум»
**21.00** – НТТ – Д. Рахмон куйлайди
**21.35** – НТТ - «Истиклол Тв»
**21.45** - «Теле-хамкор»
**22.00** – «Мусиқий табассум»
**22.30** – **НТТ - «Қизлар», комедия**

### TV-MARKAZ

**07.00** «Премьера» (узб.)
**07.20** Ўзбек наволари
**08.00** «Премьера» (рус.)
**08.20** Мировые хиты
**08.30** «Юлдузли пайшанба»
**09.00 Т/с «ЗА ВСЕ ТЕБЯ БЛАГОДАРЮ» 12-серия**
**10.00** Ўзбек наволари
**11.00 Кино-SMS. Фильм-победитель прошлой недели.**
**13.00** Мировые хиты
**14.00** Ўзбек наволари
**15.00** Теленяня
**15.45** Мировые хиты
**16.30** Ўзбек наволари
**17.00** «Судьбы»
**17.30** Микст-концерт
**18.00** Премьера (узб.)
**18.20** Ўзбек наволари
**19.00** Премьера (рус.)
**19.20 Т/с «ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ» 1-серия**
**20.10** Ўзбек наволари
**21.00** «Очил дастурхон»
**21.30** Ўзбек наволари
**22.00 Х/ф. «ПРОФЕССИОНАЛЫ»**
**23.45** Миксер

### ПЕРВЫЙ

**5.00** Телеканал «Доброе утро»
**9.00, 12:00, 15:00, 18:00, 24:20 Новости**
**9.05** «Малахов+»
**10.05** «Сестры по крови». Т/С
**11.00** **«Поле чудес»**
**12.30** «Лолита. Без комплексов»
**13.25** «Детективы»
**14.25** «Контрольная закупка»
**15.15** «Понять. Простить»
**15.50** «Любовь как любовь». Т/С
**16.55** «Федеральный судья»
**18.20** «Пять минут до метро». Т/С
**19.10** **«Жди меня»**
**20.00** «Сестры по крови». Т/С
**21.00, 3:00 Время**
**21.30** «Тихий Дон». Т/С
**22.25** Спецрасследование
**0.35** «Гении и злодеи»
**1.10 Х/Ф «Месть мертвецов»**
**3.30 Х/Ф «Воздушный бой»**

### РОССИЯ

**5.00** «Доброе утро, Россия!»
**9.45, 13:45, 16:40, 19:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.**
**11.00, 14:00, 17:00, 20:00, 24:15 ВЕСТИ.**
**11.50** «Комната смеха».
**12.50** «Частная жизнь»
**14.40 Х/Ф «Жаркий ноябрь»**
**17.40** «Обреченная стать звездой». Т/С
**18.40** «Волчица». Т/С
**21.05** «Спокойной ночи, малыши!».
**21.15** Т/С «Всегда говори «всегда».
**23.15** «Мой серебряный шар
**0.35** «Честный детектив»
**1.05** «Синемания».
**1.40** «Дорожный патруль».
**1.55 Х/Ф «Зубастики 2: Основное блюдо»**

### НТВ

**6.00** «СЕГОДНЯ УТРОМ»
**9.00** «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»
**10.00, 13:00, 16:00, 19:00, 22:00** **«СЕГОДНЯ»**
**10.25, 15:30, 18:30** «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ
**11.00** «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
**12.00** «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
**13.25** Т/С «ВРАЧЕБНАЯ ТАЙНА»
**14.30** Т/С «СИНДИКАТ»
**16.30** Т/С «ОПЕРА. ХРОНИКИ УБОЙНОГО ОТДЕЛА»
**19.40** Т/С «ВРАЧЕБНАЯ ТАЙНА»
**20.45** Т/С «МОЛОДЫЕ И ЗЛЫЕ»
**22.45 Х/Ф «КАЗУС КУКОЦКОГО»**
**0.45** «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ»
**1.40 Х/Ф «СМЕРТЕЛЬНЫЙ ДРУГ»**
**3.25** СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО
**4.15** Т/С «ВЕРОНИКА МАРС-2»
**4.55** Т/С «ЛЮБОВЬ ВДОВЦА- 2»

### КУЛЬТУРА

**9.30** Путешествия натуралиста
**10.00 Х/Ф «Пять вечеров»**
**11.55** Линия жизни
**12.50** «Мой Эрмитаж»
**13.20** Пленницы судьбы
**14.00** «Джунгли всерьез»
**14.50** «Великая магия»
**17.10** «Порядок слов»
**17.15** Достояние республики
**17.30** «БлокНОТ»
**18.00** Ночной полет
**18.55** Плоды просвещения
**19.50** «Четыре маски от Турандот»
**20.30** «Жизнь и смерть Достоевского»
**21.00** «Тем временем»
**22.55** Т/С «Идиот»
**0.40** «Древний апокалипсис»

### ТНТ

**6.10** «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ БИЧ». Т/С
**7.00** «Глобальные новости»
**7.05, 12:00** «Никелодеон на ТНТ»
**8.20** Предприниматель.
**9.00** «ЗАМУЖ ЗА МИЛЛИОНЕРА». Т/С
**10.00** «Школа ремонта»
**11.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Х/Ф**
**13.30, 19:00** Такси.
**14.05** Деньги на проводе.
**15.10 «БЛОНДИНКА ЗА УГЛОМ». Х/Ф**
**17.00, 21:00, 24:25 Реалити-шоу «Дом-2. Осень = Любовь».**
**18.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Х/Ф**
**20.00** «Няня спешит на помощь»
**22.00 Х/Ф «КАК ОТДЕЛАТЬСЯ ОТ ПАРНЯ ЗА 10 ДНЕЙ»**
**2.30 «БЛОНДИНКА ЗА УГЛОМ». Х/Ф**

### ТВ-3

**8.00** Победоносный голос.
**8.30, 10:00, 15:00** Про кино.
**9.00** МУЛЬТФИЛЬМ
**10.30** Скетч-шоу.
**11.00 Х/Ф «УТОПИЯ»**
**13.00 Х/Ф «КАНИКУЛЫ НА РАНЧО»**
**15.30** Т/С «КОМНАТА СМЕХА».
**16.00 Х/Ф «КОТ ИЗ КОСМОСА»**
**18.00 Х/Ф «КИН-ДЗА-ДЗА»**
**20.30** Киномания.
**21.00 Х/Ф «ПОСЛЕДНЕЕ ДЕЛО ВАРЕНОГО»**
**22.45 Х/Ф «ПРИШЕЛЕЦ ИЗ БУДУЩЕГО»**
**1.00** Т/С «КЛИЕНТ ВСЕГДА МЕРТВ»
**2.00 Х/Ф «КУБ»**
**5.00** Т/С «ЧИСЛА»
**6.00** Т/С «СЕМЬЯ СОПРАНО»

### РТР Планета

**10.00, 16:00, 19:00** **«Вести»**
**13.00** Т/С «Обреченная стать звездой»
**13.45** Т/С «Волчица»
**14.40 Х/Ф «Грех»**
**16.35 Х/Ф «Смерть по завещанию»**
**18.30** «Пятое измерение»
**19.35** «Кремль
**20.25** «Частная жизнь»
**21.15** Т/С «Обреченная стать звездой»
**23.00** Т/С «Волчица»
**23.45** Т/С «Охота на пиранью»
**0.50** «Мой серебряный шар
**1.40** «Автопортрет в красной феске
**3.00** «Ночной полет»
**3.40** «Частная жизнь»
**4.30** Т/С «Обреченная стать звездой»
**5.15** Т/С «Волчица»
**6.55** Т/С «Охота на пиранью»

### Евроспорт

**12.30** Мотоспорт по выходным
**12.45** Автоспорт
**14.00** Горные лыжи
**15.30, 20:00** Теннис
**16.30, 23:00** Футбол
**1.00** Боевые искусства
**4.00** Мотофристайл

### СПОРТ

**7.05** Волейбол
**9.00, 11:00, 15:00** Вести-спорт
**9.15** «Личный тренер»
**9.50** Триатлон
**10.25** «Летопись спорта»
**11.15, 19:15, 24:20** Футбол
**13.50** «На всех парусах»
**14.25** «Личный тренер»
**15.20** Баскетбол
**17.40** Пляжный футбол
**23.45** «Самый сильный человек»
**1.30** Автоспорт
**2.15** «Рыбалка с Радзишевским»
**2.30** Настольный теннис
**3.50** Волейбол
**5.30** Биатлон

### Rambler

**7.00, 12:00, 15:00, 19:00 «Новости высоких технологий»**
**8.00** «Соревнования на свалке»
**10.00** Т/С «Путешествие к центу Земли»
**12.30** «Вы - играй!»
**16.30** «Экстра испанский»
**18.00** «Мир природы»
**19.30** «Банзай!»
**20.30** «Смелые решения «
**21.30** «Закрытая информация»
**22.30** «Неопознанные живые объекты»
**0.30** «Вы - играй!»

### СТС

**8.00** Т/С «Банда быстрого дьявола»
**8.45, 15:30** Мультфильм
**9.30** Т/С «Моя прекрасная няня»
**10.00** Т/С «Всё смешалось в доме...»
**11.30** Т/С «Зачарованные»
**12.30 Х/Ф «Образцовый самец»**
**14.30** «Снимите это немедленно»
**19.00** Т/С «Тайны Смолвиля»
**20.00** Т/С «Зачарованные»
**21.00** Т/С «Кто в доме хозяин?»
**22.00** Т/С «Всё смешалось в доме...»
**23.00** Т/С «Моя прекрасная няня»
**23.30 Х/Ф «Кровавый спорт»**
**1.30** Т/С «Кто в доме хозяин?»
**3.30** «Мертвая зона» Стивена Кинга»
**4.15** Т/С «Новая Жанна Д'Арк»
**5.45** Т/С «Дорогая, я уменьшил детей»

### MTV-РОССИЯ

**8.00** MTV Пульс
**11.00** Самые-Самые...
**12.00** News Блок Weekly
**12.30** Тайник MTV: Pink
**13.00** Правда жизни
**14.00** Полный доступ
**17.00** Полный Контакт
**18.30** 10-ка Лучших
**21.00** Икона: Герои V
**21.30** Киночарт
**22.00** 101 знаменитое перевоплощение
**23.30** Отель MTV
**0.00** Т/С «Клава, давай!»
**0.30** Южный Парк
**1.15** «Мечты Алисы». Т/С
**1.30** Фестиваль «МЕГАХАУС 2006»
**3.00** «Лови удачу»

### DTV-VIASAT

**8.30, 16:30** Мультфильмы
**10.00, 21:55** Самое смешное видео
**10.25, 17:30** «Как уходили кумиры. Гелена **Вели**канова»
**11.00** Телемагазин
**11.25** «Карданный вал +»
**11.50 Х/Ф «Долина лавин»**
**14.00** Т/С «Рыцарь дорог»
**15.00** Т/С «Детектив Нэш Бриджес»
**16.00** «Каламбур»
**17.55 Х/Ф «Пока горы стоят»**
**20.00** «Фабрика смеха»
**21.00** Т/С «Рыцарь дорог»
**22.25** «Каламбур»
**23.30** «Осторожно, афера!»
**0.00** Т/С «C.S.I Место преступления. Лас-Вегас»

### МУЗ-ТВ

**5.00** «МУЗТВ хит»
**6.00** «Наше»
**7.00** «Твой выбор»
**8.00** «Мобильная 10-ка»
**9.30** «Срочный хит-парад»
**11.00** «Концерт»
**12.20** «Travel Party»
**14.20** «Алфавит»
**14.30** «Наш квартал»
**14.55** «Ближе к звездам
**15.25** «Звездные сплетни»
**15.55** «Zoom»
**18.00** «Крутящий момент»
**18.30** Хит-парад «20»
**20.25** «Звездные сплетни»
**20.55** «Кино Премьеры»
**21.30** «Одного пола ягоды»
**22.30** «Ближе к звездам»

### ДОМАШНИЙ

**8.30** Т/С «Альф»
**9.00** «Полезное утро»
**11.30 Х/Ф «Земля Санникова»**
**13.30** Т/С «Ты - моя жизнь»
**14.30** Т/С «Люба, дети и завод»
**15.00** «Татьянин день»
**17.15** Т/С «Телохранитель»
**18.20** Т/С «Пленница»
**19.20** «Анекдоты эпохи
**20.30** Т/С «Скорая помощь»
**21.30** Т/С «Ты - моя жизнь»
**22.30** «Люся»
**23.30** Т/С «Скорая помощь»
**0.30** «САRенина»
**0.45** «Правильный дом»
**1.00** «Бездонные антресоли»
**1.30 Х/Ф «В небе «ночные ведьмы»**
**3.00** «Городской альманах»
**3.15** Т/С «Женаты... с детьми»

### Русский иллюзион

**4.00, 10:00, 16:00, 22:00** Т/С «Рожденная революцией»
**6.00, 12:00, 18:00 Х/Ф «Красавец - мужчина»**
**8.00, 14:00 Х/Ф «Тень или, может быть, все обойдется»**
**20.00, 2:00 Х/Ф «Актриса»**
**0.00 Х/Ф «Тот самый Мюнхгаузен»**

## СЕШАНБА, 14 НОЯБРЬ

### O'ZBEKISTON

**6.00** «Ассалом, Ўзбекистон!»
**8.00-8.35** «Ахборот».
**8.40** Олтин мерос.
**8.50** «Сукунат мусаввири».
«Болалар сайёраси».
**9.15 1.** «Ўйла, Изла, Топ!»
**2.** «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с.
**10.20** «Шахсий фикр».
**10.55** «Дунё иқлими».
**11.00** «Ахборот».
**11.15** «ТВ шифокор».
**11.20** **«Оила ришталари»**. Т/с.
**11.55** «Дил таронаси».
**12.00** «Ахборот» (инглизча)
**12.10** «Юртим бўйлаб»: «Ранглар ва ўйлар суҳбати».
**12.25** «Одами эрсанг. »
**12.45** **«Сарой жавоҳири»**. Т/с.
**13.50** Олтин мерос.
**13.55** «Дунё иқлими».
**14.00** «Ахборот».
**14.20** «Ассалом, Ўзбекистон!»
**15.20** «Заковат».
«Болалар сайёраси»:
**16.20 1.** «Санъат ғунчалари».
**2.**»Эртаклар – яхшиликка етаклар».
**17.00** «Ахборот».
**17.15** Эски альбом.
**17.20** ИИВ хабарлари.
**17.35** «Оҳанглар оғушида».
**17.40** «Ҳаётимиз қомуси».
**18.00** «Умр дафтари». **2**-қисм.
**18.20** **«Виждон»**. Т/с.
**19.05** «Сизнинг адвокатингиз».
**19.10** «Банк ва мижоз».
**19.20** «Дунё иқлими».
**19.30** «Ахборот» (русча)
**20.05** «ТВ шифокор».
**20.10** **«Оила ришталари»**. Т/с.
**20.50** «Дунё иқлими».
**21.00** «Ахборот».
**21.40** «Қишлоқ ҳаёти».
**22.00** **«Сарой жавоҳири»**. Т/с.
**23.10** «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS)
**23.20** «Денгиз тимсоҳлари».

### YOSHLAR

*Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан сешанба, **14** ноябр куни **«YOSHLAR»** телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат **15.55** дан бошлайди.*

**16.00** Давр.
**16.15** Ракурс.
**16.30** **«Сеҳрли тош».** Б.Т/с.
**17.00** Даврнинг боласи.
**17.10** Эврика.
**17.25** Болалар табассуми.
**17.30** Ўсмирлар симфонияси.
**17.40** «Камолот» хабарлари.
**17.50** Истиқбол тимсоллари.
**18.00** **«Саломея».** Т/с.
**18.35** Дилрабо.
**18.45** ТВ-банк.
**18.55**, **21.55** Иқлим.
**19.00** ДАВР.
**19.30** Наво-SMS.
**19.40** **«Шимол тафти».** Т/с.
**20.10** JOKER
**20.15** Юртим юраги.
**20.20** CINEMANIYA.
**20.50** Омон бўлинг!
**21.00** **«Муҳаббат дардлари».** Т/с.
**22.00** ДАВР.
**22.30** Дилрабо.
**22.45** **«Саломея».** Т/с.

### TOSHKENT

**7 30 Салом, Тошкент!» Кўнгилочар информацион мусиқий дастур.**
**8.35** **«Гвадалупе»**. Т/с.
**9.15** «Телекурьер-маркет».
**9.30** «Аёл қалби».
**9.55** «Мулоҳаза учун мавзу».
**10.25** Мусиқа SMS.
**10.45** «Саломат бўлинг»
**10.55** М/ф. «Том ва Жерри»
**11.05** «Туризм ҳақида»
**11.35** «Интервью»
**11.50** «Эрудит».
**12.05-13.35** Кино. **«Смокинг»**
**18.00** М/ф. «Кўк сичқонча ва хумбош мушукнинг саргузаштлари».
**18.10** «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт».
**18.50** **«Гвадалупе»**. Т/с.
**19.30** Мусиқа SMS.
**19.50** «Соғинч».
**20.00** **«Пойтахт».**
**20.20** «Эрудит»
**20.35** «Уммон йиртқичлари». **2**-қисм.
**21.00** «Репортаж».
**21.10** «Жозиба».
21.30 «Пойтахт».
**21.50** «Телекурьер-маркет».
**22.10** «Бахтли бўлинг»
22.30 «Пойтахт»
**22.50** Кино. **«Турбо Фарсаж»**

### SPORT-TV

**7.00** «Бардам бўлинг».
**8.00** «Хабарлар» (русча)
**8.20** «Болалар спорти».
**8.35** Оркестр концерти.
**9.00** «Хабарлар» (ўзбекча)
**9.20** Мини футбол. Ўзбекистон чемпионати.
**9.50** «Детективлар».
**10.20-11.30** Ўзбекистон кубоги:
От спорти.
Аёллар футболи. Финал.
**18.00** «Болалар спорти».
**18.15** М/с.
**18.30** «Хабарлар» (русча)
**18.50** Белбоғли кураш. Жаҳон чемпионати.
**19.15** « Ўз-ўзига режиссёр».
**20.00** «Вести».
**20.25** **«Қиш олчаси».** Т/с.
**21.30** «Хабарлар» (ўзбекча)
**21.50** «Майдон ортидаги одам».
**22.05** «Баҳодирлар ўйини».
**22.35** Еврофутбол.

### 30-Й КАНАЛ

**12.00** – Открытие программы
**12.05** - «Теле-хамкор»
**12.25** – «Детский час», М/ф.
**12.50** – «Дружная семейка», Т/с.
**13.40** – «Мусиқий табассум»
**14.00** – **Х/ф. «Зимний вечер в Гаграх»**
**15.30** – «Ошиқона»
**16.10** – «Аёллар орзуси»
**16.45** - «Теле-хамкор»
**17.00** – «Болалар соати», (повтор)
**18.00** – НТТ – «Болалар соати»
**18.20** – НТТ – «Сиз кутган қушиқ»
**18.40** – НТТ – «Мулоқот Тв»
**19.00** – «Ошиқона» мусиқий дастури
**19.40** – «Теле-хамкор»
**20.00** – «Мусиқий табассум»
**21.00** – НТТ – «Осиё Тв»
**21.35** – НТТ – «Оқшом қушиқлари»
**21.20** – НТТ – «Биз билган ва билмаган дунё»
**21.40** – «Мусиқий табассум», музыкальная передача
**22.10** – **НТТ – «Учиш иллюзияси»**

### TV-MARKAZ

**07.00** Марказ NEWS (узб.)
**07.10** Ўзбек наволари
**08.00** Марказ NEWS (рус.)
**08.10** Ўзбек наволари
**09.00 Т/с «ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ» 1-серия**
**10.00** Мировые хиты
**11.00 Х/ф. «ПРОФЕССИОНАЛЫ»**
**12.45** Мировые хиты
**13.30** Ўзбек наволари
**14.00** Мировые хиты
**14.15** Ўзбек наволари
**15.00** Теленяня
**15.45** Мировые хиты
**16.00** «Спецрепортаж»
**16.20** Ўзбек наволари
**17.00** «ТОП-20»
**17.45** Мировые хиты
**18.00** Марказ NEWS (узб.)
**18.10** Ўзбек наволари
**18.30** «Премьера» (узб.)
**18.50** Мировые хиты
**19.00** Марказ NEWS (рус.)
**19.10 Т/с «ОСТАТЬСЯ В ЖИВЫХ» 2-серия**
**20.00** Ўзбек наволари
**21.00** «Великолепная семёрка»
**21.30** Ўзбек наволари
**22.00 Х/ф. «НОКДАУН»**
**00.30** «Миссия неповторима»

### ПЕРВЫЙ

**5.00** Телеканал «Доброе утро»
**9.00, 12:00, 15:00, 18:00, 24:20 Новости**
**9.05** «Малахов+»
**10.00** «Сестры по крови». Т/С
**11.00** «Тихий Дон». Т/С
**12.30** «Лолита. Без комплексов»
**13.25** «Детективы»
**14.25** «Контрольная закупка»
**15.15** «Понять. Простить»
**15.50** «Любовь как любовь». Т/С
**16.55 «Федеральный судья»**
**18.20** «Пять минут до метро». Т/С
**19.10** «Пусть говорят»
**20.00** «Сестры по крови». Т/С
**21.00, 3:00 Время**
**21.30** «Тихий Дон». Т/С
**22.25** «Оскал бескорыстной любви
**23.30** Искатели
**0.35** Ударная сила
**1.25 Х/Ф «Военная база «Президио»**
**3.40** Т/С «Мертвая зона»
**4.20** «Звезды эфира»

### РОССИЯ

**5.00** «Доброе утро, Россия!».
**9.45, 13:45, 16:40, 19:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.**
**10.00** Т/С «Всегда говори «всегда».
**11.00, 14:00, 17:00, 20:00, 24:15 ВЕСТИ.**
**12.50** «Частная жизнь»
**14.40** «Суд идет».
**16.00** «Кулагин и партнеры»
**17.40** «Обреченная стать звездой». Т/С
**18.40** «Волчица». Т/С
**21.05** «Спокойной ночи, малыши!».
**21.15** Т/С «Всегда говори «всегда».
**23.15** «Аномалия»
**0.20 Х/Ф «Доспехи Бога-2»**
**2.25** «Дорожный патруль».
**2.45** Т/С «Закон и порядок»
**3.30** Т/С «Доктор Вегас»

### НТВ

**6.00** «СЕГОДНЯ УТРОМ»
**9.05** «НАШЕ ВСЕ!»
**10.00, 13:00, 16:00, 19:00, 22:00 «СЕГОДНЯ»**
**10.20** «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
**10.55** Т/С «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО»
**11.55** «ДВЕ ПРАВДЫ»
**13.25** Т/С «ВРАЧЕБНАЯ ТАЙНА»
**14.30** Т/С «ТАМБОВСКАЯ ВОЛЧИЦА»
**15.30, 18:30 «ОБЗОР. ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»**
**16.25** Т/С «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ»
**19.40** Т/С «ВРАЧЕБНАЯ ТАЙНА»
**20.45** Т/С «МОЛОДЫЕ И ЗЛЫЕ»
**22.45** Т/С «КАЗУС КУКОЦКОГО»
**0.45** «TOP GEAR»
**1.15** Т/С «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ»
**3.05** «КРИМИНАЛЬНАЯ РОССИЯ»
**3.35** «КОМА: ЭТО ПРАВДА»
**4.10** Т/С «ВЕРОНИКА МАРС-2»
**4.55** Т/С «ЛЮБОВЬ ВДОВЦА- 2»

### КУЛЬТУРА

**9.00** Новости культуры
**10.00** Т/С «Идиот»
**12.00** «Тем временем»
**12.55** Пятое измерение
**13.25** Вещественное доказательство
**14.00** «Щелкунчик»
**14.40** Т/С «Собака по имени Снобз»
**15.30 Х/Ф «Свинарка и пастух»**
**17.15** «Порядок слов»
**17.20** Музыкальные театры России
**18.00** Ночной полет
**18.55** Плоды просвещения
**19.50** Больше, чем любовь
**20.30** «Жизнь и смерть Достоевского»
**21.00** Проекции авангарда
**21.15** «Апокриф»
**22.00** Кто мы?
**22.55** Т/С «Идиот»
**0.40** PRO MEMORIA

### ТНТ

**6.10** «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ БИЧ». Т/С
**7.00** «Глобальные новости»
**7.05, 12:00** «Никелодеон на ТНТ»
**8.20** Звезда на дороге.
**9.00** «ЗАМУЖ ЗА МИЛЛИОНЕРА». Т/С
**10.00** «Запретная зона»
**11.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Х/Ф**
**13.30, 19:00** Такси.
**14.05** Деньги на проводе.
**14.35 «КАК ОТДЕЛАТЬСЯ ОТ ПАРНЯ ЗА 10 ДНЕЙ». Х/Ф**
**17.00, 21:00, 23:55 Реалити-шоу «Дом-2. Осень = Любовь».**
**18.00 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Х/Ф**
**20.00** «Голые стены»
**22.00 Х/Ф «ДОБЕЙСЯ УСПЕХА СНОВА!»**
**1.55 «ПАРЕНЬ ИЗ КАЛЬЦИЯ». Х/Ф**

### ТВ-3

**8.00** Победоносный голос.
**8.30, 10:00, 15:00** Про кино.
**9.00** МУЛЬТФИЛЬМ
**10.30** Т/С «КОМНАТА СМЕХА».
**11.00 Х/Ф «СИЛА»**
**13.15 Х/Ф «КОНТРАБАНДА»**
**15.30** «Медицинское обозрение»
**16.00 Х/Ф «РАЙ»**
**18.00 Х/Ф «РАСПУТНИК»**
**20.30** Киномания.
**21.00 Х/Ф «СЕНСАЦИЯ»**
**23.00 Х/Ф «АВАЛОН»**
**1.00** Т/С «КЛИЕНТ ВСЕГДА МЕРТВ»
**2.00 Х/Ф «КУБ-2: ГИПЕРКУБ»**
**5.00** Т/С «ЧИСЛА»
**6.00** Т/С «СЕМЬЯ СОПРАНО»

### РТР Планета

**10.00, 16:00, 19:00** «Вести»
**13.00** Т/С «Обреченная стать звездой»
**13.45** Т/С «Волчица»
**14.30** «Автопортрет в красной феске
**15.15** Т/С «Охота на пиранью»
**16.35 Х/Ф «Сыщик петербургской полиции»**
**18.30** «Петербург: время и место»
**19.35** «Кремль. Тайны подземной палаты»
**20.25** «Частная жизнь»
**21.15** Т/С «Обреченная стать звездой»
**23.00** Т/С «Волчица»
**23.45** Т/С «Охота на пиранью»
**0.50** «Люди-обезьяны
**1.40** «Апокриф»
**3.00** «Ночной полет»
**3.40** «Частная жизнь»
**4.30** Т/С «Обреченная стать звездой»
**5.15** Т/С «Волчица»
**6.55** Т/С «Охота на пиранью»

### Евроспорт

**12.30, 15:00, 4:30** Футбол
**13.30** Теннис
**18.00** Гандбол
**1.30** Бокс. ТВА
**3.30** Покер

### СПОРТ

**7.10, 15:20** Баскетбол
**9.00, 11:00, 15:00** Вести-спорт
**9.15** «Личный тренер»
**9.50, 19:15** Футбол
**13.50** «На всех парусах»
**14.25** «Личный тренер»
**17.40** Пляжный футбол
**2.15** Настольный теннис
**3.35** Волейбол
**5.25** Биатлон

### Rambler

**7.00** Профилактика на канале «Rambler»
**17.00** «Закрытая информация»
**18.00** «Мир природы»
**19.00** «Новости высоких технологий»
**19.30** «Банзай!»
**20.00** «Экстра испанский»
**20.30** «Смелые решения «
**21.30** «Закрытая информация»
**22.30** «Неопознанные живые объекты»
**0.30** «Вы - играй!»

### СТС

**8.00, 15:30** МУЛЬТФИЛЬМ
**9.30** Т/С «Моя прекрасная няня»
**10.00** Т/С «Всё смешалось в доме...»
**11.30** Т/С «Зачарованные»
**12.30 Х/Ф «Кровавый спорт»**
**14.30** Т/С «Не родись красивой»
**19.00** Т/С «Тайны Смолвиля»
**20.00** Т/С «Зачарованные»
**21.00** Т/С «Кто в доме хозяин?»
**22.00** Т/С «Всё смешалось в доме...»
**23.00** Т/С «Моя прекрасная няня»
**23.30 Х/Ф «Патруль времени»**
**1.30** Т/С «Кто в доме хозяин?»
**3.30** Т/С «Спаси меня»
**4.15** Т/С «Новая Жанна Д'Арк»
**5.45** Т/С «Дорогая, я уменьшил детей»

### MTV-РОССИЯ

**8.00** MTV Пульс
**11.00** Сводный чарт
**12.00** News Блок Daily
**12.15** «Мечты Алисы». Т/С
**12.30** Гид по стилю
**13.00** «Ты кинозвезда»
**13.30** Икона: Герои V
**14.00** Отель MTV
**14.30** Киночарт
**17.15** «Мечты Алисы». Т/С
**17.30** «Лови удачу»
**18.00** News International
**18.30** 10-ка Лучших
**19.30** Русская 10-ка
**21.00** 12 Злобных Зрителей
**22.00** Звездный стиль
**22.30** Девочки Плейбоя
**23.00** Т/С «Клуб»
**0.00** Т/С «Клава, давай!»
**0.30** Южный Парк
**1.15** «Мечты Алисы». Т/С
**1.30** Скверные истории знаменитых детей
**2.00** Ночной Флирт
**3.00** «Лови удачу»

### DTV-VIASAT

**8.30, 16:30** Мультфильмы
**10.00, 22:00** Самое смешное видео
**10.30, 17:30** «Как уходили кумиры
**11.00** Телемагазин
**11.30** «Карданный вал +»
**11.55 Х/Ф «Мошенники»**
**14.00** Т/С «Рыцарь дорог»
**15.00** Т/С «Детектив Нэш Бриджес»
**16.00** «Каламбур»
**18.00 Х/Ф «Хозяин тайги»**
**20.00** «Фабрика смеха»
**21.00** Т/С «Рыцарь дорог»
**22.25** «Каламбур»
**0.00** Т/С «C.S.I Место преступления. Лас-вегас»
**2.55** Т/С «Строго на юг»

### МУЗ-ТВ

**5.00** Профилактика на телеканале «МУЗТВ»
**17.00** «МУЗТВ хит»
**17.30** «Travel Party»
**18.00** «Наш квартал»
**18.30** «Самые известные блондинки»
**19.30** «Стилистика»
**20.25** «Звездные сплетни»
**20.55** «Экстремальное свидание»
**21.30** «Ближе к звездам»
**22.25** Звезды зажигают

### ДОМАШНИЙ

**8.30** Т/С «Альф»
**9.00** «Полезное утро»
**11.30 Х/Ф «В небе «ночные ведьмы»**
**13.15** «Декоративные страсти»
**13.30** Т/С «Ты - моя жизнь»
**14.30** Т/С «Люба, дети и завод»
**15.00** «Линии жизни»
**15.30** «Мир в твоей тарелке»
**16.00** «Коллекция идей»
**17.00** «Звездные судьбы»
**17.15** Т/С «Телохранитель»
**18.15** «Сладкие истории»
**18.30** Т/С «Пленница»
**19.30** «Люся»
**20.30** Т/С «Скорая помощь»
**21.30** Т/С «Ты - моя жизнь»
**22.30** Астрахань»
**23.15** «Свободное время»
**23.30** Т/С «Скорая помощь»
**0.30** «Мир в твоей тарелке»
**1.00** «Друзья моего хозяина»
**1.30 Х/Ф «Увольнение на берег»**
**3.05** «Городской альманах»
**3.20** Т/С «Женаты... с детьми»
**4.05** Т/С «Страсти»

### Русский иллюзион

**4.00, 10:00, 16:00, 22:00** Т/С «Рожденная революцией»
**6.00, 12:00, 18:00, 24:00 Х/Ф «Тот самый Мюнхгаузен»**
**8.00, 14:00 Х/Ф «Актриса»**
**20.00, 2:00 Х/Ф «Кража»**

# КЎЧМАС МУЛК: ГАРОВНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



(Давоми. Боши ўтган сонда)

**Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,**
**юридик фанлар доктори, профессор**

ИПОТЕКА нарсасини баҳолаш ипотекага қўйовчи билан олувчи ўртасидаги келишувга кўра ёки баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ипотека нарсасини баҳолашдан ўтказиш орқали амалга оширилади. Ипотека билан таъминланадиган мажбурият ипотека тўғрисидаги шартномада унинг суммаси, вужудга келиш асослари ва бажарилиши муддати белгиланган ҳолда кўрсатилиши керак. Бу мажбурият бирон-бир бошқа шартномага асосланган ҳолларда эса, мазкур шартноманинг тарафлари, тузилган санаси ва жойи кўрсатилиши керак. Агар ипотека билан таъминланадиган мажбурият суммаси келгусида аниқланиши лозим бўлса, ипотека тўғрисидаги шартномада ипотека билан таъминланадиган мажбурият суммасини аниқлаш тартиби ва бошқа зарур шартлари кўрсатилиши керак.

> **МАЖБУРИЯТНИНГ БАЖАРИЛМАСЛИГИ ИПОТЕКАГА ОЛУВЧИГА ИПОТЕКА БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН МАЖБУРИЯТНИНГ МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРИЛИШИНИ ЁКИ ИПОТЕКА ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ ЎЗГАРТИРИЛИШИНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРАДИ.**

Агар ипотекага олувчининг ҳуқуқлари гаров хати билан тасдиқланган бўлса, бу ипотека тўғрисидаги шартномада кўрсатиб ўтилади, қонун асосидаги ипотекада гаров хати берилиши ҳоллари бундан мустасно.

Ипотекага қўйовчи ипотека тўғрисида шартнома тузилаётганда ипотека давлат рўйхатидан ўтказилаётган пайтда ўзига маълум бўлган учинчи шахсларнинг ипотека нарсасига бўлган барча ҳуқуқлари (гаров, мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш, ижара ҳуқуқлари, сервитутлар ва бошқа ҳуқуқлар) ҳақида ипотекага олувчини ёзма шаклда огоҳлантириши шарт. Бу мажбуриятнинг бажарилмаслиги ипотекага олувчига ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини ёки ипотека тўғрисидаги шартнома шартлари ўзгартирилишини талаб қилиш ҳуқуқини беради. Ипотека тўғрисидаги шартнома (шу жумладан, навбатдагилари ҳам) нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Қонун асосидаги ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш алоҳида ариза берилмаган ва рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим тўланмаган ҳолда амалга оширилади.

## ГАРОВ ХАТИНИНГ МАЗМУНИГА ДОИР ТАЛАБЛАР

ҚОНУННИНГ гаров хатига оид нормалари ипотекага олувчининг гаров хати бўйича ҳуқуқлари, гаров хати ҳақидаги шартларни ҳақиқий эмас деб топиш, гаров хатининг мазмуни, унинг шартларини ўзгартириш, унга иловалар, гаров хатининг қонуний эгаларини рўйхатдан ўтказиш, гаров хати бўйича ҳуқуқларни амалга ошириш ва ипотека билан таъминланган мажбуриятни бажариш, йўқолган гаров хати бўйича ҳуқуқларни тиклаш кабилардан иборатдир.

Ипотекага олувчининг ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича ва ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлари, агар ушбу Қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, гаров хати билан тасдиқланиши мумкин. Гаров хати эгасининг номи ёзилган қимматли қоғоз бўлиб, у гаров хати қонуний эгасининг ипотека билан таъминланган пул мажбуриятининг, шу мажбурият мавжудлигининг бошқа далилларини тақдим этмаган ҳолда бажарилишига эришиш ҳуқуқи, ипотека белгиланган мол-мулкка бўлган гаров ҳуқуқини тасдиқлайди.

Ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор ва (ёки) ипотекага қўйовчи гаров хати бўйича мажбуриятли шахслардир. Гаров хати ипотекага қўйовчи томонидан, агар у бу мажбуриятда иштирок этмайдиган учинчи шахс (ашёвий кафил) бўлса, шунингдек ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздор томонидан ҳам тузилади. Ипотека давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин гаров хати рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан, ипотекага қўйовчи билан ипотекага олувчи иштирокида расмийлаштирилади ва дастлабки ипотекага олувчига берилади.

“Ипотека тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, агар мулкий мажмуа сифатидаги бутун корхона ёки унга бўлган ижара ҳуқуқи ипотека нарсаси бўлса ёки қарз суммаси шартнома тузиш пайтида аниқланмаган ва бу суммани лозим пайтда аниқлаш имкониятини берадиган шартларни ўз ичига олмайдиган пул мажбурияти ипотека билан таъминланса, гаров хатини тузишга ва беришга йўл қўйилмайди ҳамда ипотека тўғрисидаги шартномада баён қилинган гаров хати ҳақидаги шартлар ҳақиқий эмас деб топилади.

Энг муҳими шундан иборатки, Қонуннинг 16-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган маълумотлар ва шартлардан бирон-бири бўлмаган ҳужжат гаров хати ҳисобланмайди ва дастлабки ипотекага олувчига берилмайди.

Гаров хатининг ўзида янги эгалик қилувчилар ва ипотека билан таъминланган мажбурият қисман бажарилганлиги ҳақида белгилар (гаровга ўтказишга доир махсус ёзув) қўйиш ёхуд бошқа зарур маълумотларни ёзиш учун жой етишмаса, гаров хатига қўшимча варақ бириктириб қўйилади, унга ёзувлар ва белгилар гаров хатида бошланиб, ана шу варақда тугайдиган қилиб жойлаштирилади. Гаров хатининг барча варақлари бир бутун ҳужжатни ташкил этади. Уларга тартиб рақамлари қўйилиши ва рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан муҳрланиши керак. Гаров хати мазмуни ипотека тўғрисидаги шартномага ёки мажбурияти ипотека билан таъминланган шартномага номувофиқ бўлган тақдирда, агар гаров хатини олувчи битим тузилаётган пайтда бундай номувофиқлик ҳақида билмаган ва билиши лозим ҳам бўлмаган бўлса, гаров хатининг мазмуни ҳақиқий деб ҳисобланади. Бу қоида гаров хатининг қонуний эгаси дастлабки ипотекага олувчи бўлган ҳолларга нисбатан татбиқ этилмайди.

> **ИПОТЕКА БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН МАЖБУРИЯТ БЎЙИЧА ҚАРЗДОР ВА (ЁКИ) ИПОТЕКАГА ҚЎЮВЧИ ГАРОВ ХАТИ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛИ ШАХСЛАРДИР.**

## ГАРОВГА ҚЎЙИЛГАН МОЛ-МУЛКНИ АСРАШ ТАРТИБИГА РИОЯ ЭТМАСЛИК

ҚОНУННИНГ ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкнинг асралишини таъминлашга оид нормалари жумласига ипотека нарсасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни асраш, ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкнинг асралишини лозим даражада таъминламаганлик оқибатлари, ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилиш мазкур мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар бошқа шахсга ўтказилганида ипотеканинг сақланиб қолиши, ушбу мол-мулкни тасарруфдан чиқариш тўғрисидаги қоидаларни бузиш оқибатлари, гаровга қўйилган мол-мулкка бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини юклаш, гаровга қўйилган мол-мулкнинг мажбурий равишда олиб қўйилиши кабилар киради.

Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкдан фойдаланиш ва уни сақлаш қоидалари, шунингдек мазкур мол-мулкни асраш мажбуриятлари ипотекага қўйовчи томонидан қўпол равишда бузилган тақдирда, ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга ҳақли. Агар бундай талабни қаноатлантириш рад этилса, ипотекага олувчи ундирувни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақли. Ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича гаровга қўйилган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи, агар бундай шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага қўйовчининг зиммасида бўлади. Агар ипотекага олувчи жавобгар бўлмаган ҳолатларга кўра гаровдаги мол-мулк йўқолган ёки мажбуриятни ипотека билан таъминлаш жиддий тарзда ёмонлашган даражада шикастланган бўлса, ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишини, шу жумладан ушбу Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ суғурта товони ҳисобидан бажарилишини талаб қилишга ҳақли. Агар ипотекага олувчи билан ипотекага қўйовчи ўртасида нобуд бўлган ёки шикастланган гаровга қўйилган мол-мулкни тиклаш ёхуд алмаштириш тўғрисида келишув тузилган ва ипотекага қўйовчи бу келишув шартларини лозим даражада бажараётган бўлса, ипотекага олувчи ипотека билан таъминланган мажбуриятнинг муддатидан олдин бажарилишига доир ҳуқуқларни амалга ошира олмайди.

(Давоми кейинги сонда)

2006 йил 10 ноябрь №8 (8)
ЖАМИЯТ
СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

*Одатда маҳаллаларда яшаётган инсонлар узоқ вақт бир-бирини синаган, таниган, ўзаро оилавий аҳволи, болалари тарбиясидан воқиф бўлишади. «Бир болага — етти маҳалла ота-она» деган нақл бежиз айтилмаган.*

Аслиддин САТТОРОВ



# АНЪАНАЛАР УЛҒАЯР БУНДА



ОДАМЛАРНИНГ тинч-тотув, фаровон ҳаёт кечириши, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни турли хил ғараз ниятли оқимлар таъсирига берилмасдан, соғлом, ҳур фикрли, тийрак нигоҳли, жамиятимизнинг қақиқий жонкуярлари бўлиб етишишида маҳаллаларнинг ўрни беқиёс.

Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан маҳаллалар фаолиятига катта эътибор берилиб, ҳаётимизнинг устувор йўналишлари сифатида қаралаётгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Пойтахтимизнинг Сергели тумани, 5-мавзесидаги Ҳабибий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида турли миллатга мансуб ҳар хил соҳа вакиллари истиқомат қилади. 1134 та хонадонда яшаётган 5240 нафар аҳолига бешта уй-жой мулкдорлари ширкати хизмат кўрсатаяпти. Туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда маҳалла ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари мунтазам йўлга қўйилган. Кейинги пайтда коммунал хизмат кўрсатиш даражаси сезиларли равишда ижобий томонга ўзгарганидан аҳоли мамнун. Ҳафтанинг ҳар шанба ва якшанба кунлари шанбалик ўтказилиб, атрофҳудудни озода тутиш маҳалла аҳлининг одат тарзига айланган.

— Аҳолига намунали хизмат кўрсатиш, уларнинг баъзи бир муаммоларини маҳалла фаоллари билан биргаликда ҳал этиш ва бошқа шу каби масалалар фаолиятимизнинг асосини ташкил этади. Маҳалламиз фаоллари ҳамда участка нозирлари билан биргаликда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида «Ёшлар — бизнинг келажагимиз», «Огоҳ бўлинг», «Терроризмга қарши биргаликда курашайлик» каби мавзуларда маърузалар ўқиб, кенг кўламда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бораяпмиз, — дейди фуқаролар йиғини раиси Равшан Бобоев. — Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларимиз онгида бўшлиқ пайдо бўлмаслигига эришишдир. Маҳаллада ёшлар билан ишлаш комиссияси ҳам ишлаб турибди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, педагогика фанлари доктори, профессор Ҳ.Йўлдошев раҳбарлиги ва бевосита ташаббусида тайёрланган «Баркамол авлодни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» концепцияси асосида маҳалла ҳудудида жойлашган 322-ўрта мактабда ҳафтанинг ҳар сешанба кунлари ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасида қизиқарли учрашувлар ўтказилаяпти.

— Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги ҳамда Рамазон ҳайити муносабати билан кам таъминланган оилаларга, ёлғиз қариялар, меҳнат ва уруш фахрийлари ҳамда ногиронларнинг кўнглини кўтариш мақсадида уларни муборак айёмлар билан қутлаб, моддий томондан қўллаб-қувватладик, — дейди диний маърифат ва маънавий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси Маҳбуба Қодирова. — Бундан ташқари, янги иш ўринлари очиб, маҳалламиз хотин-қизларини иш билан таъминлаш мақсадида ўз имкониятимиздан келиб чиққан ҳолда ҳудудимиздаги қаровсиз ётган бўш бинони тикувчилик цехига айлантиришни мўлжаллаяпмиз. Айни пайтда Хитойдан 12 та тикув машинаси ва ускуналар келтирилди. Кейинчалик халқ ҳунармандчилигидан каштачилик, зардўзлик ва касаначиликни йўлга қўймоқчимиз. Йигитларимиз учун эса дурадгорлик устахоналарини ташкил қилишни режалаштирдик. Булардан тушган маблағни ногирон, кам таъминланган оилаларга ва маҳалланинг хайрли ишларига ишлатамиз. Шунингдек, бўш вақтни мазмунли ўтказиш мақсадида ёшлар футбол ва бошқа спорт турлари билан машғул. Яқинда баскетбол майдончаларини ташкил этишни мўлжаллаяпмиз.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ҳаётидаги ижтимоийсиёсий ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларини аҳоли онгига етиб боришида маҳаллалар фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.

## Тадбиркорлар эътиборига

# ШИФОБАХШ ЁҒЛАРНИНГ ЭНГ САРАСИ

*Бугунги кунда Испания ва Италиянинг асосий миллий даромади ўсимлик мойлари ичида энг сараси ва шифобахши ҳисобланган зайтун ёғи экспортидан олинади. Чунки қадим Андалусия икки миллион, Италия эса 1,5 миллион гектарлик йирик майдонлардаги зайтунзорларга эга. Греция ҳам 500 минг, Португалия юз минг гектар майдонда зайтун ўстиради.*



ЗАЙТУН дарахти мевасидан ёғ олинишидан ташқари бу меваларни маринадлаб, яъни тузланган ва сирка билан ишланган ҳолда ҳам истеъмол қилиш мумкин. Шу мақсадда ғўраси ва пишган мевалари консерваланади ҳам. Зайтун мойи бутун жаҳонда озиқ-овқат учун энг сара мой сифатида, шунингдек консерва саноати ва тиббиётда кенг кўламда ишлатилади.

Сўнгги йилларда бизнинг Ўзбекистонда ҳам зайтун кўчатларини тоғолди ва тоғ ёнбағри ҳудудларида экиб кўпайтириш тажриба қилиб кўрилмоқда. Чунки илмий манбалар қадим-қадимда Марказий Осиё ҳудудида зайтунзорлар мавжуд бўлганидан гувоҳлик бермоқда. Шу йил кузда олтинсойлик фермер хўжаликлари дастлабки зайтун кўчатларидан мева олишди.

Хўш, зайтун мевасидан ёғ қандай ажратиб олинади? Одатда ўрик, шафтоли, узум ва бошқа данакли мевалар ёғи уларнинг данаги мағизидан олинади. Улардан фарқли ўлароқ зайтун данагини ўраб турган меванинг ўзида ҳам кўп миқдорда ёғ мавжуд. Шунинг учун зайтун меваси яхши пишганидан сўнг данагидан ажратиб олиниб, совуқлайин пресслананади. Бу биринчи фракция энг олий ёғ ҳисобланади. Шундан сўнг қолган зайтун турпи ва данаги қиздириб прессланганда иккинчи фракция зайтун ёғи олинади. Бу мой техникада ва совун пиширишда қўлланади. Қолган кунжараси чорва учун яхши озиқ-ем бўлса, ёғочидан эса қимматбаҳо буюмлар тайёрланади.

Бир сўз билан айтганда, зайтуннинг бутун тутган-битгани бизнинг пахтамиз каби кони фойда. Бироқ пахта энг яхши ерларни, сув ва иссиқ иқлимни, икки қулоқ бўлиб кўкарганидан то кеч кузгача машаққатли меҳнат талаб этса, зайтун дарахти умуман ер танламайди.

Зироатшунос олима Дилором Ёрматова Сурхондарё вилоятининг бир қанча туманларида олиб борган тажрибаларга кўра, зайтун кўчатларини ток, тол ва терак қаламчалари каби экиб кўкартириш мумкин. Тўрт-беш йил мобайнида суғориб парвариш қилиб турилган кўчатлар ўзини яхши тутиб кетганидан сўнг ортиқча қаровни талаб этмайди. Сўнгра барча дарахтлар каби, эҳтимол улардан ҳам камроқ меҳнат талаб қилган ҳолда бир неча юз йиллаб ҳосил бериши мумкин.

Энг муҳими, ҳозир юртимизда тоғолди ва тоғ ёнбағирларида экилмай бўш ётган зайтунбоп ҳудудлар, қаровсиз жойлар жуда кўп. Улар зайтунзорларга бурканса, элимиз дастурхонини янада бойитган, халқимизни энг сара ва шифоли ўсимлик мойи билан исталган даражада таъминлаган бўлардик. Зайтун маҳсулотларини экспортга чиқариб, мамлакат хазинасини янада бойитиш имкониятлари ҳам мавжуд.

Ҳозирги пайтда истеъмол учун хориждан келтирилаётган зайтун ёғи жуда қиммат. Кунгабоқар ёғи нисбатан арзон бўлганига қарамай, у ҳам бизга хориждан келтирилади. 1863 йили юртимизга ташриф буюрган машҳур сайёҳи Герман Вамберининг ёзишича, қадимда зиғир ва кунжут ёғлари истеъмол қилинган. Истиқлол шарофати билан далаларимизда зиғир, кунжут ва махсар экинлари ҳам ўстирилмоқда. Бироқ уларнинг миқдори 25 миллионлик халқимиз эҳтиёжларини тўкис қондира олмайди. Машҳур тадбиркор Юсуфбек Ёқуббеков Қўқон ёғ-мой комбинати раҳбари бўлиб ишлаган йиллари ўрик, шафтоли, узум, жухори ва бошқа данакли ва дуккакли ўсимликлардан ёғ олиш технологиясини яратган эди. Бироқ зарур эҳтиёжга яраша хомашё тайёрлашдаги муаммолар туфайли бу таҳсинга сазовар ишлар кенг қулоч ёймади. Ўрик ёғи, айниқса, шафтоли данаги ёғи табобат учун қимматли неъмат ҳисобланади. Тадбиркорларимиз бу борада ҳам ўз имкониятларини синаб кўришлари зарур.

Энди зайтун дарахтига келсак, уни юртимиз ҳудудида экиб, мўл ҳосил етиштириш ва ундан кўп миқдорда шифоли истеъмол ёғи олиш мумкинлиги — бу биз учун катта имкониятдир. Зотан, Испания ва Италиядек давлатлар даромадининг асосий қисмини бежиз зайтун ёғи етиштиришдан олишмайди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги ҳамда ёғ-мой саноати мутахассислари, жонкуяр тадбиркорларимиз бу борада ташаббусни ўз қўлларига олсалар нур устига нур бўларди.

*Бугун замоннинг шиддати тез. Тараққиёт ҳар лаҳзада янгиликлар инъом этиб турибди. Уларни тез илғаб олиш ва замон билан ҳамнафас яшаш инсониятнинг эзгу нияти бўлмоғи керак. Зеро, тараққиёт ўтмиш ва ҳозирни теран ҳис этиб, келажакни ойдин кўра билишда намоён бўлади.*

# ДЕМОКРАТИЯ ҲАМ ҚАДРИЯТДИР



**Шукритдин ПАХРУТДИНОВ,**
**сиёсий фанлар доктори**

БУГУН кўп халқлар ва давлатлар фаровон ва эркин ҳаётни демократия ҳосиласи, деб билдилар. Шунга қарамай, баъзан миллий ривожланиш йўлига кирган давлатлардаги демократик жараёнларга шубҳа билан қаровчилар ҳам топилиб қолади. Уларнинг фикрини эшитиб кўрсангиз, гўё биз ҳали демократияга тайёр эмас эканмиз ва аввал иқтисодий муаммоларни ҳал қилиб, сўнгра демократия қуриш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар учун шарт-шароит яратишимиз мумкин экан. Бундай фикрловчилар бизнинг салоҳиятимиз, дунёқарашимиз ва менталитетимизга ишонмайдиган кимсалардир. Шунинг учун ҳам биз улардан ҳамма вақт огоҳ бўлишимиз зарур. Чунки салоҳиятимизга ишонмаган одамдан дўст чиқмайди. Улар шунчаки манфаатли муносабатга киришиши мумкин, холос.

Албатта, сизлар демократияга тайёр эмассиз, деб турган кимса билан дўст бўла олмаслигимизни ҳам яхши идрок этишимиз зарур. Улар мақтаётган демократия ўз ҳаёт тарзларини мақташ ва бошқаларга тиқиштириш учун шунчаки ниқоб эмасми? Агар чуқурроқ назар солсангиз, демократия бизнинг ўз турмуш тарзимизда мужассамдир. Ўйлаб кўринг: қандай хоҳласак, шундай яшаймиз. Оиламиз шаънини муқаддас биламиз, касб-корни эркин танлаймиз, ота-онамизни қариган чоғида қаровсиз ташлаб қўймаймиз. Катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қиламиз. Жамоа бўлиб, маҳалла бўлиб яшашга интиламиз, Ватанимизни севамиз. Буларнинг ҳаммаси демократик тамойиллардир. Менталитетимиз шундай. Айни пайтда биз она сути оғзидан кетмаган гўдакнинг беҳаё кинофильм кўришини ёки одамови бўлиб яшашни, кўчаларда ур-йиқит қилишни ўзимизга ор деб биламиз. Ўзга юртларга қурол кўтариб боришни ҳам демократияга зид деб тушунамиз.

**БИР ПАЙТЛАР ДАСТЛАБКИ ЭКСТРЕМИСТЛАР БУГУН ЎЗЛАРИНИ ДЕМОКРАТ, ДЕБ АТОВЧИЛАР ҲОМИЙЛИГИДА ТАЙЁРЛАНГАНЛИГИНИ ҲАМ УНУТМАСЛИК ЛОЗИМ.**

Уларга давлатчилик анъаналари бизда қадим-қадимдан шаклланганини ҳам эслатиб қўйишга тўғри келади. Ва дадил ишонч билан таъкидлаш зарурки, ҳозирги демократия куртаклари ўша ўтмиш замонлардаги давлатчилик тузумида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, бугунги Парламент институти Қурултой сифатида мавжуд бўлган. Ҳукумат эса айнан ҳозирги тузилишда бўлган. Албатта, халқ ҳам ўз вакиллари воситасида давлат бошқарувида иштирок этган. Халқ вакиллари хон кўтаришда, Қурултойда мингбошилар сайловида иштирок этган. Бу ҳозирги вакиллик демократиясининг илдизлари эмасми? Ҳақиқий бозор иқтисодиёти эса асрлар мобайнида тараққий этган. Шунга кўра айтиш мумкинки, бизнинг давлатчилик тарихимиз бугунги давлатчилик назарияси ва амалиётига кўп нарса берган.

Ҳозир бизнинг мустақил ўзбек давлатимиз дунёвий демократик давлат қурилиши асосида шаклланмоқда. Буни бутун дунё кўриб турибди. Бизнинг демократияга тайёр эканимиз ҳам, жаҳоннинг демократик тизимлари асосида ишлаётганимиз ҳам шундан далолатдир.

## НИМАДАН ОГОҲ БЎЛМОҚ КЕРАК?

ТАРАҚҚИЁТГА хавф солаётган таҳдидлардан бири терроризм ва диний экстремизмдир. Айни чоғда диний экстремизмни рўкач қилиб, ислом динини қоралаш; иккинчидан, диний экстремистларни қоралаб туриб, ўз ҳудудида уларга паноҳ бериб қурол-яроқ сотиш; учинчидан, ўз ғаразли мақсадларини амалга оширишда диний экстремистик тўдалардан фойдаланиш каби ғирромликларнинг моҳиятини зарур даражада англаб олишимиз керак. Бундай икки томонлама ўйиннинг замирида бизни ўз эътиқодимиздан янглиштириш муддаолари мужассам. Эътиқодидан ажралган одамнинг эса ўзлигини унутиши ва ўзгаларга маънавий жиҳатдан қул бўлиб қолиши аниқ. Бир пайтлар дастлабки экстремистлар бугун ўзларини демократ, деб атовчилар ҳомийлигида тайёрланганлигини ҳам унутмаслик лозим.

Бугун экстремистлар кимларнингдир махсус «наказ»ларини бажараётгани ҳеч кимга сир эмас. Наҳотки халифалик тузиш мақсади демократларнинг ниятларига мос келса? Умуман, диний экстремистларни қўлловчилар қуйидаги мақсадларни кўзда тутишмоқда: биринчидан, ота-боболаримиз эътиқодига дахл қилиб, ислом маърифатини инкор этиш; иккинчидан, бизни тўғри эътиқод йўлидан чалғитиш ва орамизга низо уруғини сочиш; учинчидан, миллий тараққиёт йўлимиздан оғдиришдир.

**ИСТИҚЛОЛ ДАВРИДА БЎЛАЁТГАН БУЮК ЎЗГАРИШЛАР ВА ТАРАҚҚИЁТИМИЗГА ИШОНЧ КЎЗИ БИЛАН ҚАРАШ ТАҲДИДЛАР ЙЎЛИГА ТЎСИҚ ҚЎЙИШНИНГ БОШ ОМИЛЛАРИДАН БИРИДИР.**

Кундек равшан бир ҳақиқат шуки, «Акромийлар», «Ҳизбут-таҳрир» каби ғаразгўй диний экстремистик ташкилотлар бизнинг юртимизда ҳеч қачон бўлган эмас. Улар эндиликда бизнинг ҳаёт тарзимизга ташқаридан туриб тиқиштирилмоқда. Афсуски, уларга эргашаётган онги пуч кимсалар ҳам топилиб турибди. Биз ўз диний эътиқодимизни Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотурудий каби буюк бобокалонларимиз эътиқодларига асосан шакллантирганимизни диний экстремистлар ҳам, уларга қарсакбозлик қилаётганлар ҳам яхши тушуниб олишлари керак. Ёшларимиз эса ота-боболаримизнинг пок эътиқодларининг моҳиятини теран ҳис этган ҳолда ғоявий хуружларга қарши астойдил кураш олиб бормоқлари зарур.

## ҚАДРНИ БИЛИШ БАХТИ

ИНСОН ўз қадрини билиб яшаши керак! Ўз қадрини билган тинч ва осойишта замон қадрига ҳам ета олади. Бузғунчи ғояларга чув тушганлар эса эл-юрт назаридан қолади. Эл-юрт назаридан қолганнинг қадри эса йўқдир.

Донишмандлар, инсон ўз қадрини билиб яшаса, бахтли бўлади, деб бежиз айтишмаган. Шу маънода Истиқлол даврида бўлаётган буюк ўзгаришлар ва тараққиётимизга ишонч кўзи билан қараш таҳдидлар йўлига тўсиқ қўйишнинг бош омилларидан биридир. Одамларнинг онг ва шууридаги ойдин келажакка ишонч туйғусини қадрлаш керак. Ҳар бир кишининг ўзи ғоявий таҳдид омилига қарши фаол курашчи бўлмоғи керак. Зотан, ўз даври ҳақиқатларига ишонган одам ҳар қандай эсанкирашлардан устун бўла олади. Бизнинг вазифамиз ана шу муқаддас туйғуни мустаҳкамлашдир.

---

# МАСЛАҲАТЧИЛАР МАЛАКА ОШИРДИЛАР

*Бухоро вилоятида 434 та маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари Когон, Жондор, Ғиждувон туманларида ва Бухоро шаҳрида ўтказилган ўқув семинарида ўз малакаларини оширди.*

**Зариф КОМИЛОВ**

— МАЗКУР семинар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент Ислом университети ҳамда республика Оқсоқоллар кенгаши ва “Маҳалла” хайрия жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилди, — дейди Республика Хотин-қизлар қўмитаси етакчи мутахассиси, филология фанлари номзоди Муҳиба Ҳамидова. — Ўқув семинарини ташкил этишдан асосий мақсад, маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимларини оширишдан иборат. Шунингдек, маҳаллаларда аҳоли ўртасида амалга оширилаётган маданий тадбирларнинг янгича усулларини ҳаётга татбиқ этишни ўрганишдир.

---

Хабарлар

# ЎЗБЕК ДУТОРИНИНГ ДОНҒИ

*Пойтахтдаги Инсон заҳираларини ривожлантириш ўзбек-япон марказида ўзбек чолғу асбоблари ижрочиларининг концерти ўтказилди.*

УШБУ концертнинг қизиқарли ва диққатга сазовор томони шундаки, миллий чолғу асбобларимиздаги куй ва қўшиқларни Тошкентда яшаётган япон биродарларимиз ижро этишди. Улар оммабоп қўшиқларимизни ижро этганда томошабинлар илиқ қарши олди. Японияда анча машҳур бўлган “Шимаута” гуруҳининг Кунчиқар мамлакат ҳақидаги қўшиқлари концертга ўзгача руҳ бағишлади.

— Дутор чалишни ўрганиш курси очилганига эндигина бир йил бўлди, — дейди марказ раҳбари Инаба Ясуши.—Шунга қарамасдан ўзбек маданияти ва санъатига ихлосмандларнинг кўпчилиги дутор чалишни ўрганиб олди. Бу борада улар ўз устозлари, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ўқитувчиларидан чексиз миннатдордирлар.

**“Туркистон-пресс”.**

*Қамоқхона эшиги очилди. Ичкаридан шошилмайгина чиққан басавлат йигит бир зум атрофга аланглади. Шу пайт 7-8 ёшлардаги бир қизалоқ унинг бағрига отилди. Қизча бир қоғозни озор етмасин дегандай қўлида оҳиста ушлаб олган. Дадасини елкаси оша қўлларини ўтказганча уни маҳкам қучаяптию қоғоздан кўзини узмасди.*

# ҲАЁТГА ҚАЙТИШ

**ҚИЗАЛОҚ «ФАХРИЙ ЁРЛИҚ» СЎЗИГА ЎЗИЧА АТАЙ УРҒУ БЕРДИ. НЕЧА КУНДАН БЕРИ ОНАСИДАН ДАДАСИНИНГ ҚАЙТИШИНИ ЭШИТИБ, МАҚТОВ ҚОҒОЗИНИ УНГА КЎРСАТИШГА ОРЗИҚИБ ЮРГАНДИ-ДА, АХИР.**

**Муборак ОХУНОВА**

...ИХТИЁР даъватларга учди. Ўзини дину диёнат пешвоси, деб таништирганларнинг асл найрангини тушунмаган ҳолда улар тутган йўлни тўғри деб билди. Бузғунчи оқимлар домига тушиб, жамиятнинг, ҳалқнинг тинч ҳаётига рахна солувчи ишларга қўл урди. Кўзига Хизрдек кўринган акахонлари жомадонда алланарсалар бериб, уйида сақлашини сўраганида, ҳатто жомадон ичида нима борлигига ҳам эътибор бермади. Уйининг тўрида турган бу матоҳ жиноий мақсадларда сақланаётган ноқонуний қурол-яроққа тўла экани ҳақида ўйлаб кўриш эса унинг хушига келмасди ҳам.

Унинг бундай «ғоя»ларга берилиши оиласининг ҳам тинчлигини бузди. Рафиқасини қоп-қора чодрага ўрагани етмагандек, эндигина биринчи синфга чиққан қизчасини ҳам қорамтир рўмолга чирмади. Кейинроқ билса, уйдан ҳар куни рўмол ёпиниб чиқадиган қизча мактабга етар-етмас, уни папкасига тиқаркан. Сир ошкор бўлган куни хотинининг ҳай-ҳайлашига қарамай, Ихтиёр уни роса дўппослади.

— Қўйинг, дадаси, — деди кўзи жиққа ёшга тўлган хотини, — бу ҳали нимани тушунади?

— Сен аралашма!.. Аслида бунга кибру ҳаводан дарс берган сен бўласан!

Доимо шундай! Ихтиёр ҳамиша – Моҳинисони кибрга берилганликда, такаббурликда, яна ўша «етук илмли» ҳамсуҳбатларидан ўргангани – аллақандай хунук хислатлар соҳибаси эканликда айбларди. Билмасдики, шу беозор жуфти ҳалоли бир пайтлар ота-она розисини олмай, Ихтиёрга кўнгил берганди. Турмуш қуришгач, бошидан озмунча қийинчиликлар ўтдими? Тўйдан аввал ўзини хокисор қилиб кўрсатган эрини яқиндан билгач, дили қаттиқ оғриган пайтлар кўп бўлди. Аммо чидади. Динда тўрт мартагача уйланиш суннат, дея эри ўзидан олти ёш катта хотинни никоҳига олганда ҳам чурқ этмади. Нуқул икки гапнинг бирида ночор аёлни куфр йўлидан сақлаб қолиш савоб, мен ҳам тул бир хотинни никоҳимга олдим, деб ғурур билан гапирарди Ихтиёр. Бу сўзлар Моҳинисонинг юрагига наштардек санчилса-да, сабр қилди. Кўп ўтмай ёши катта хотиндан безгач, Ихтиёр уни талоқ қилди. Орадан ҳеч қанча ўтмай яна унинг эсига «суннат» тушиб қолди. Лекин бу галги «амал» ёрдам бериш учун эмасди. Ҳар куни ясан-тусан қилиб, Ихтиёрнинг савдо дўконига келадиган бу қиз унинг хаёлини олиб қўйган, қолаверса, Моҳинисодан анча ёш эди.



— Бунақа қилиб гуноҳга ботиб юрмасдан уни никоҳингизга ола қолинг, мен розиман, — деди эрининг юриш-туришидан хабар топган Моҳинисо.

Айни муддао гап айтилдию Ихтиёр оқбилакойимга уйланиб олди. Ҳали йигирмани ҳам қораламаган янги хотин Моҳинисодан устун кўринарди. Энди Ихтиёр ҳуда-беҳудага шўрлик аёлни дўппослайдиган одат чиқарди.

Бир куни касал ётган отасининг аҳволи оғирлашганини хабар қилишгач, Моҳинисо шошилинч ота уйига қараб йўл олди. Оқшом юраги эзилганча уйга қайтганида Ихтиёр уни ёвқараш билан кутиб олди:

— Қаерда эдинг?

— Отамнинг мазалари қочиб...

— Хўш, нима бўпти, шунга? Шариатда эрдан рухсатсиз остона ҳатлаш мумкин эмаслигини биласанми?!

Аёл эрига миқ этиб оғиз очмади.

— Ҳа-а, айбдорлигингни биласанда, нега гапирмайсан? Гапир, гапир, гапир!..

Бир зумда хотинининг юз-кўзини қонга бўяди. Унинг гумроҳлиги шунда эдики, исломда аёлга, хусусан, онага қўл кўтариш гуноҳи азимлигини хаёлига ҳам келтирмасди. Хўш, эрдан рухсат сўрамай остона ҳатлаш мумкин эмас экан, отанинг ҳолидан хабар олиш учун сўрамай кетишга мажбур бўлган аёлга шу қадар озор бериш шартмиди?

У алдовларга учиб оқ-қоранинг фарқига бормай қолган эди. Охир-оқибат жазосини олди, тавбасига таяниб, халқ тинчлигига қасддан рахна солмаганини айтиб, кечирим сўради. Уни кечиришди. Бугун ширингина оиласи, фарзандлари уни кутяпти. Бироқ яқинлари кўнглида қолган жароҳатлар, қолаверса, унинг хатти-ҳаракатларига гувоҳ бўлиб вақтида инсофга чақирган ва эвазига ундан яхшигина эътироз эшитган кўни-қўшнилари нима деркин? Начора, энди пушаймондан фойда йўқ. Мисқоллаб топган обрўсини бир зумда йўққа чиқарган ўзи...

У қизалоқнинг жарангдор овозидан ҳушига келгандай бўлди:

— Қаранг, дада, мактабимдан менга «Фахрий ёрлиқ» беришди.

Қизалоқ «Фахрий ёрлиқ» сўзига ўзича атай урғу берди. Неча кундан бери онасидан дадасининг қайтишини эшитиб, мақтов қоғозини унга кўрсатишга орзиқиб юрганди-да, ахир.

Йигит қоғозни қўлига оларкан, яна хаёлга чўмди. Айни шу дамда юрагини бир олам надомат туйғуси кемирарди. Энди бой берган обрўйини қайтадан тиклаш ҳам фақат ва фақат унинг ўзига боғлиқ...

---

Таҳлил ва талқин

# ОМАДНИНГ МАНБАИ

## ҳаётга қизиқиш ва ишонча

*Ўтган асрнинг 90-йилларида шуҳрат шоҳсуппасига кўтарилган психолог ва социолог олим Р. Вейсман кўпчилик учун қизиқ бўлган «омад» омилини имкон қадар ёритиб берди. Маълумки, ҳар бир одам ҳаётда бахтли бўлишни, бекамукўст яшашни, омадли турмуш кечиришни истайди.*

**Бобур БЕКМУРОДОВ**

ОЛИМ назариясига кўра, ижтимоий тараққиёт жамият тараққиётисиз амалга ошмайди. У ўз ғоясини — ҳаётда ҳар бир одамнинг бахтли бўла олиш формуласини социологик тадқиқотлар, ижтимоий экспериментлар ёрдамида исботлашга интилади.

Олим ўз тажрибасига 400 нафардан иборат «ўта омадсиз» ва «жуда омадли» одамларни жалб қилган. Ҳар бир кишига биттадан 6 бетли газета тарқатилиб, унда нечта фотосурат борлигини санаб бериш топширилади. Қизиғи газетанинг иккинчи бетида катта ҳарфлар билан «фотосуратни санаб овора бўлманг, уларнинг сони 43 та», деб катта ҳарфларда эълон ҳам берилади. Омадли одамлар мазкур эълонни дарҳол пайқайдилар, омадсизлар эса унга мутлақо эътибор бермай суратларни санашга муккасидан кетадилар. Тажриба омадсизлар бирор иш бажараётганда ҳаддан ташқари ҳаяжонга берилиши, масалага вазмин ва босиқ ёндаша олмаслигини кўрсатади.

**САБАБ ВА ОҚИБАТ ЎРТАСИДАГИ БОҒЛИҚЛИКНИНГ ЎЗИ ДИАЛЕКТИКАДИР.**

Тажрибага жалб этилган одамлардан яна бир ҳаётий мисолни шарҳлаб бериш сўралади. Тажриба матни қуйидагича:

«Тасаввур қилинг: банкдан пул олаётганингизда талончилар пайдо бўлишди. Ур-йиқитда сиз қўлингиздан яраландингиз. Бу ҳолни қандай изоҳлайсиз?» Омадсиз одамлар буни фавқулодда мусибат сифатида талқин этишиб, бундай вазиятга тушиб қолишдан Яратганнинг ўзи асрашини сўрайдилар. Омадлилар эса, уларни Худонинг ўзи асрагани, ўқ бошларига эмас, қўлларига теккани учун ҳам омадли эканини яна бир карра таъкидлайдилар.

**ПСИХОЛОГ ОЛИМЛАР ОМАДЛИ ОДАМЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ КЎПРОҚ ТАҚДИРДАН НОЛИШ ҲИСОБИГА ЭМАС, БАЛКИ РОЗИЛИК ЭВАЗИГА КЕЛИШИНИ АСОСЛАБ БЕРИШГАН.**

Р. Вейсман шунга ўхшаш ўнлаб мисоллар билан омадли одамларнинг муваффақияти кўпроқ тақдирдан нолиш ҳисобига эмас, балки розилик эвазига келишини асослаб беради.

Мазкур қарашлар Ғарб дунёсини тубдан кемираётган маънавий таназзулнинг муқаррарлигини таъкидловчи (Тоффлер, Бзежинский) тенденциялардан кескин фарқланади. Вейсман, Сартр, Майер ва бошқа бир қанча олимлар давлат ва жамият кучи билан Ғарб дунёсини мавжуд таназзул жараёнларидан чиқариш амри маҳол эканлигини чуқур англайдилар. Ягона умид эса шахснинг ўз-ўзига бўлган муносабатни ислоҳ қилиш, одамларни маънавий таназзул ва ҳалокат муҳитидан мустақил равишда чиқишга даъват этиш деб биладилар.

Маънавий ҳаёт маромини сақлаш ахлоқий тамойиллар барқарорлигига, ахлоқий бирдамлик эса турмуш тарзи яхлитлигига боғлиқдир. Инсонинг онглилик даражаси маънавий-ахлоқий яхлитликни мустаҳкамлаш имконини яратади. Ана шу жараёнда ҳар бир инсоннинг ўзи яшаётган турмуш тарзидан қониқиш ҳиссини туйиши, ҳаётга қизиқиш, ундан завқ ва сурур олиш фазилатларини кучайтириш катта аҳамиятга эгадир.

Бу борада Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов: «Афсуски, ҳаётда биз кўпинча сабаб ва оқибат ўртасидаги доимий боғлиқликнинг ва муносабатларни тушунмаймиз, - деб таъкидлайди. — Биз амалий ҳаётимизда кўпинча оқибатни сабаб ўрнида қабул қиламиз, сабабни эса оқибат деб тушунамиз. Аслида, сабаб ва оқибат ўртасидаги боғлиқликнинг ўзи диалектикадир».

Шундай экан, умрнинг бетакрор эканлигини чуқур ҳис этиб яшаш, уни эҳтиётлаш, қаноат ва шукуроналик, розилик ва мамнунлик, юрт, Ватан ва халқимизнинг буюк истиқболига ишонч, бунёдкорона ишларимизга дахлдорликни амалий саъй-ҳаракатлар билан мустаҳкамлашни ҳар бир юртдошимизнинг ҳаётий масаласига айлантиришимиз зарур.

# «ГРАНТ БОЛАЛАРИ»



***Газетамизнинг аввалги сонларида Ўзбекистонда ННТлар фаолияти давлатимиз томонидан мунтазам қўллаб-қувватланиб келинаётгани ҳақида бир қатор мақолалар чоп этган эдик. ННТларга нисбатан амалга оширилаётган бундай ижобий муносабат, тажрибалар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган айрим мамлакатларда ҳам қўлланилаётгани бизнинг бу борада тутган йўлимиз нечоғли тўғри эканини исбот этмоқда. Жумладан, Россияда ҳам қатор нодавлат ташкилотлар илк марта давлат томонидан ёрдам оладиган бўлди. Хўш, мазкур ёрдам нималарга сарфланади?***

РОССИЯДА нодавлат нотижорат ташкилотлар нима ҳисобига ва қандай яшаётгани ҳақидаги савол Федерал хавфсизлик хизмати томонидан Буюк Британиянинг Москвадаги элчихонаси ходимлари жосуслик устида фош этилганидан сўнг кўтарилди, — деб ёзади Tribuna.ru сайтида Михаил Морозов. Аниқланишича, инглизлар дипломатик фаоллик билан бирга ўзларига маъқул келган нодавлат нотижорат ташкилотларга ҳомийлик кўрсатаётган экан.

Бироқ мазкур можаро Россия раҳбариятининг жамоат тузилмалари фаолиятига эътибор қаратиши учун сабаб бўлгани йўқ. Аксинча, можаро бу борадаги қарорнинг оқибати бўлди. Ғарб андозалари асосида эмас, балки Россия ва унинг фуқаролари манфаатлари йўлида фаолият олиб борадиган жамоат тузилмаларидан айримларини нафақат маънавий, шу билан бирга моддий қўллаб-қувватлашга қарор қилинди. «Ким пул тўласа, ўша мусиқа буюради» деган нақлни ёдда тутган хориждан молиялаштириладиган айрим ноҳукумат ташкилотлар ўз олдиларига сиёсатдан холи бўлмаган мақсадлар ҳам қўйишгани сир эмас.

Шу йилнинг январь ойидаёқ Россия президенти Владимир Путин жамоат бирлашмаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида бюджетдан маблағ ажратиш қарорини маълум қилган эди. Мазкур маблағни қўлга киритиш мақсадида тўрт мингдан ортиқ даъвогар ўзаро баҳслашди. Россия жамоат палатаси томонидан ташкил этилган ва президентнинг минтақалардаги ваколатхоналари қатнашган танлов натижасига кўра, салкам 1100 ташкилот саралаб олинган. Шу кунларда президент грант олувчиларнинг якуний рўйхатини тасдиқлаши керак. Маълумотларга қараганда, саралаб олинган нодавлат ташкилотлар таркибининг жиддий ўзгаришга учраши кутилмаяпти ва у моҳиятан, Россия жамияти ривожининг ўзига хос ифодаси бўлиб хизмат қилади. Даъвогарлар қаторида ҳуқуқ ҳимоячилари, ёшлар, экология, жамоат ташкилотлари, шунингдек, таълим, маданият соҳаларида фаолият олиб борувчилар бўлиб, улар имкониятлари чекланган кишиларга ёрдам кўрсатади.

«Иваново инсон ҳуқуқлари жамияти» ижтимоий-сиёсий ташкилоти раҳбари шундай дейди: «Мен беш йил олдин бу борада таклиф билдирган эдим. Ниҳоят, жамоатчиларга давлат даражасида ёрдам кўрсатила бошланди. Агар бизга мазкур бюджет грантини ажратишса, нодавлат ташкилотлар учун жамоатчилик қабулхоналари ташкил этишимиз мумкин».

Саралаб олинган ташкилотлар рўйхатида «Россия келажаги» номи остида Азов шаҳри ногирон болаларига ёрдам кўрсатиш хайрия фонди ҳам бор. Фонд раҳбари Наталья Брейснинг мўъжазгина икки хонали квартирасида ўрнатилган телефон аппарати узоқ йиллар мобайнида унинг ўзи сингари серғайрат оналарни бир-бири билан боғлашга хизмат қилган. Энди алоқага 1,5 минг ногирон ва уларнинг оила аъзолари чиқишади. Яқинда Азов шаҳри мэри ногирон болаларни реабилитация қилиш билан шуғулланаётган фондга унча катта бўлмаган хона ажратди. Унда яна бир телефон ўрнатилди.

«Биз танлов давомида аввало жамоат ташкилотлари ўз аризаларида баён этган вазифаларни нечоғли бажариши мумкинлигини кўриб чиқдик, — дейди Россия жамоат палатасининг фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари бўйича комиссияси мутасаддиси. — Бундан ташқари, ажратилган грантлар нафақат жамоат ташкилотларини ривожлантиришга, шу билан бирга айрим ташкилотларни жонлантиришга ҳам туртки бўлиши керак. Биз ҳар бир минтақада биттадан ресурс марказини саралаб олдик. Улар ўз навбатида нодавлат ташкилотлар фаолиятини ташкил этади. Уларни техникавий, услубий қўллаб-қувватлайди ва маҳаллий ҳокимият органлари билан боғлайди. Улар атрофида жамоатчилар, экспертлар жипслашади. Умуман, уларнинг барчаси фуқаролик жамияти ривожи учун ишлайди».

## ШТАЙНМАЙЕР ЭЪТИРОФИ

***Polit.ru сайти тарқатган хабарга кўра, Германия ташқи ишлар вазири Франк-Вальтер Штайнмайер Европа Иттифоқининг Марказий Осиё мамлакатлари жараёнларидаги иштирокини кучайтириш зарурлигини айтган.***



МАЪЛУМКИ, Штайнмайер сўнгги ҳафтада Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ҳамда Қирғизистон давлатларига сафар қилди. «Мен Европа Иттифоқининг Марказий Осиёдаги ташаббуслари аҳамиятини мазкур ташрифдан сўнг ҳар доимгидан кўра яққолроқ ҳис қилдим», — дейди Германия ташқи ишлар вазири.

## Тожикистон: ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

***PRAVDA.ru сайти хабарига кўра Тожикистон Марказий сайлов комиссияси душанба куни ўтказилган президент сайловларининг дастлабки якунларини эълон қилди.***

МАРКАЗИЙ сайлов комиссияси раисининг маълум қилишича, мамлакатнинг амалдаги президенти Имомали Раҳмонов 76,4 фоиз овоз тўплашга муваффақ бўлган.

Иқтисодий ислоҳотлар партияси номзоди Олимжон Бобоевни эса сайловчиларнинг 7,2 фоизи қўллаб-қувватлаган.

Маълумотларга кўра, овоз бериш жараёнида сайлаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг 91 фоизи иштирок этган.

Марказий сайлов комиссияси котибияти раҳбарининг хабар беришича, якуний натижалар 16 ноябрда расман эълон қилинади.

## ДЕМОКРАТЛАР ВАКИЛЛАР ПАЛАТАСИДА

***7 ноябрь куни АҚШ Конгрессига ўтказилган оралиқ сайловлар натижасида Демократик партия Вакиллар палатасида кўпчилик ўринга эга бўлди, — деб хабар қилади France Presse агентлиги.***




АЙРИМ маълумотларга кўра, демократлар 435 ўриндан 221 тасини эгаллашган ва республикачилардан 18 та мандатни олиб қўйишган.

Оқ уй маъмурияти демократларнинг АҚШ парламенти қуйи палатасида қўлга киритган ғалабасини тан олди. Президент матбуот котиби Тони Сноунинг сўзларига қараганда, Оқ уй мухолифат вакиллари билан терроризмга қарши кураш, Ироқда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш сингари масалаларда бирга ишлашга тайёр.

Яна бир янгилик. Америка тарихида биринчи марта Конгрессга мусулмон киши сайланган. У демократик партия вакили, собиқ адвокат 42 ёшли Кейт Элиссондир.

***AFP хабарича БМТ Бош Ассамблеяси Панамани мазкур ташкилот Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзоси этиб сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Панама Хавфсизлик Кенгашига Лотин Америкаси мамлакатлари орасидан сайланди.***

## ПАНАМА – БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ АЪЗОСИ

АВВАЛ хабар қилинганидек, БМТ Хавфсизлик Кенгашидаги мазкур ўрин учун Венесуэла билан Гватемала сўнги тўрт ҳафта давомида 48 марта баҳслашди. Аммо икки давлатнинг уринишларидан ҳеч қандай натижа чиқмади. Шундан сўнг Панама номзодига тўхталинди.



Интернет материаллари асосида Расулжон МАҲМУДОВ тайёрлади.

Спорт

# «ПАХТАКОР» – КУБОК СОҲИБИ

***Футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг финал учрашувлари томошабинларда аввалдаоқ катта қизиқишга сабаб бўлганди.***

ЧУНКИ беш йилдан буён бош совринни ҳеч кимга бермай келаётган пойтахт футболчилари олдида кейинги йилларда анча кучли таркибга эга бўлган «Машъал» жамоаси кўндаланг турарди. Муборакликларнинг кубокни қўлга киритиши Осиё чемпионати эшикларини очиши шубҳасиз эди. Лекин «Пахтакор» мамлакатда энг кучли жамоа эканлигини яна бир бор исботлади.

Учрашувда «Машъал» футболчилари пойтахтликларга жиддий қаршилик кўрсатишган бўлишса-да, биринчи бўлимнинг сўнгги дақиқалари улар учун омадсиз якунланди. «Машъал» дарвозабони Павел Бутенко «Пахтакор»чи Ринат Байрамовнинг зарбасини ўтказиб юбориб, ҳисоб очилишига сабаб бўлди.

Ўйиннинг иккинчи бўлимида «Машъал» футболчилари бир неча қулай вазиятлардан унумли фойдалана олишмади. Пайтдан фойдаланган «Пахтакор» ҳужумчиси Ихеруоме Уче Бутенкони яна бир бор доғда қолдирди. Шундай қилиб, пойтахтликлар мамлакат чемпионлиги қаторига кубок ғолиблигини ҳам қўшиб қўйишди. Бу уларнинг саккизинчи ғалабаси бўлди.

***Бадминтон мамлакатимизда ривожланиб келаётган спорт турларидан бири саналади. Яқинда пойтахтда бўлиб ўтган Ўзбекистон кубоги баҳсларида иштирок этган спортчилар сони ҳам бу фикримизни тасдиқлайди. Мусобақада 70 нафардан ортиқ бадминтончилар ғолиблик учун беллашдилар.***

# БАҲСЛАР ЯКУНЛАНДИ

ЯКУНИЙ натижаларга кўра, яккалик беллашувларда аёллар ўртасида биринчи ўринни Яна Катеринич қўлга киритган бўлса, иккинчи ўрин Анна Смирнова ва учинчи ўрин Елена Ҳамидулинага насиб этди. Эркаклар ўртасида эса бундай шарафли ўринларга Рафаэль Зокиров, Олег Саватюгин ҳамда Суҳроб Қосимовлар сазовор бўлишди.



Жуфтлик баҳсларида кубокни аёллар ўртасида Анна Смирнова — Яна Катеринич, эркаклар ўртасида Алишер Зоҳидов — Олег Саватюгинлар эгаллади.

Мусобақанинг мутлоқ ғолиблигига учта номинацияга сазовор бўлган Яна Катеринич лойиқ топилди. Кубок баҳслари сўнггида ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.



***Айни кунларда Қозоғистон Республикасининг Актобе шаҳрида маҳаллий спорт устаси Бауржан Акшулаков хотирасига бағишланган бокс бўйича «Қозоғистон темирйўллари» миллий компаниясининг очиқ чемпионати қизғин паллага кирган.***

# ЧАРМ ҚЎЛҚОП УСТАЛАРИ ҚОЗОҒИСТОНДА

МАЗКУР чемпионатда республикамиздан беш нафар — енгил вазн тоифасида Баҳодир Ҳасанов (48 кг), ўрта вазн тоифасида Аҳрорбек Қурбонов (75 кг), Аббос Ўтаев (81 кг), оғир вазнда Нодир Ғуломов (91 кг) ва Элёрбек Ғуломов (91 кг) бош мураббий Олим Муҳаммедов қўл остида рингда муваффақиятли жанг олиб боришмоқда. Шунингдек, очиқ чемпионатнинг ҳакамлар корпусида Ўзбекистондан Хамурхан Дуйсенов жангларни бошқаришга таклиф этилган. 13 ноябрь куни мусобақа ғолиблари аниқланади.

**Элмурод ЭГАМҚУЛОВ**

Биласизми?

# БИР ҚОШИҚ АСАЛ

***Қадимдан халқ табобатида уйқуга майил уйғотувчи энг яхши восита сифатида асалдан фойдаланиб келинади. Унинг таркибида фойдали моддалар шу қадар кўпки, на табиблар, на замонавий тиббиёт уларнинг айнан қайси бирлари уйқусизликда самара беришини аниқ айтиб бера олмайди. Чунки асал нафақат минерал моддалар, микроэлементлар ва витаминларга бой, балки таркибидаги ферментлар, органик ва аминокислоталар ҳам асаб тизимини тинчлантириш хусусиятига эга.***

**Дилфуза ЎРОЛ қизи**



АСАЛНИНГ 74 фоизини глюкоза ва фруктоза, 5,5 фоизини эса бошқа углеводлар ташкил этади. Истеъмол қилинганидан сўнг 20 дақиқа ўтибоқ ундаги барча фойдали моддалар қонга сўрилади. Шу боис айнан асалдан уйқусизликка қарши энг самарали ва тезкор восита сифатида фойдаланиш мумкин.

Агар сиз узоқ вақт ухлолмай у ёндан бу ёнга ағанаб ётадиган бўлсангиз, ҳар куни кечки овқат маҳали 1 ош қошиқ тоза асал енг.

Айримлар асални бир стакан сутда эритиб ичишади. Аммо бу усулнинг самараси камроқ эканлигини эслатиб ўтмоқчи эдик. Асални олма уксусига қўшиб истеъмол қилиш унинг фойдали хусусиятини янада оширади. Бунинг учун бир пиёла асалга уч чой қошиқ табиий олма уксуси қўшиб, аралашма тайёрлайсиз. Ҳар куни уйқуга ётишдан 30 дақиқа олдин ёки кечаси уйғонганингизда мана шу аралашмадан 2 чой қошиғини еб олинг.

# ОБУНА — 2007

## “Жамият”— Сизнинг газетангиз!

**Ҳурматли таҳририят ходимлари!**

**«Ҳаёт ва қонун», «Ислоҳот» «Огоҳлик», «Тўртинчи ҳокимият» каби таҳлилий, мулоҳазага ундовчи рукнларда бериб борилаётган мақолалардан олам-жаҳон таассурот олдик. Шу боис, биз — Қўқон шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ходимлари газетанинг келгуси йил обунасига фаол қатнашишга аҳд қилдик.**



**Газетанинг бизга манзур бўлган томонларидан бири — унинг саҳифаланиши ҳам, мазмун-моҳияти жиҳатдан ҳам бошқа нашрлардан фарқ қилади. Келгуси йилда сизлар билан нашр орқали доимий мулоқотда бўламиз, деган умиддамиз.**

**Ижодий фаолиятингизга омад тилаб,**
**Саодатхон ИСМОИЛОВА**

**Нашр индекси – 131**

МУАССИСЛАР

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фонди
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
“Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society” журнали

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ
Шарбат АБДУЛЛАЕВА
Раъно ЗАРИПОВА
Худоёр МАМАТОВ
Гулнора МАРУФОВА
Қиём НАЗАРОВ
Фозилжон ОТАХОНОВ
Муҳаммадюсуф ТЕШАБАЕВ
Шоира УМАРОВА
Маъруфжон УСМОНОВ
Нозим ХАБИБУЛЛАЕВ
Жамолиддин ҲАКИМОВ
Алишер ШАЙХОВ
Баҳодир ЭРГАШЕВ
Соҳибжон ҚОБИЛОВ
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Беҳзод ҲОТАМОВ

БОШ МУҲАРРИР
Сирожиддин РАУПОВ

НАВБАТЧИ МУҲАРРИР
Норбобо ШАКАРОВ

ДИЗАЙНЕР
Акбар ИСМАИЛОВ

МУСАҲҲИҲ
Аслиддин САТТОРОВ

НАВБАТЧИ
Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ

«Шарқ» нашриёт акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41.
Буюртма рақами Г-1379 Тираж: 2000

Газета “Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society” журналининг ҳафталик иловаси.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 503-рақам билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Ўзбекистон шоҳкўчаси 45 уй.
Маълумот учун телефонлар: 132-60-98, 132-60-74.
Электрон почта: jamiat@mail.ru
«Жамият» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топшириш вақти: